

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

Ёғ-мой саноати:

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШДАГИ МУАММОЛАР

Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси корхоналарида "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун ижроси масаласини кўриб чиқди. Аниқланган муаммо ва камчиликларни депутатлар уюшма раҳбарлари ва тизим корхоналари директорлари, Молия вазирлиги ва ДСК, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси вакиллари билан биргаликда муҳокама қилдилар.

Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси бугунги кунда ўсимлик ёғи, совун, маргарин маҳсулотли, глицерин ва ғоятда талабгир бўлган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган 73 корхона ва ташкилоти бирлаштирилади. Депутатлар соҳа бўйича ишлаб чиқаришнинг белгиланган прогноз параметрлари бажарилмаганлиги кўп жиҳатдан ҳисобот юритишдаги турли ҳуқуқбузарликлар ва тармоқ ичида шартнома муносабатлари тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлиги билан изоҳланади деган хулосага келдилар.

Шавкат ТЕШАЕВ,

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси (ЎзЛиДеП фракцияси):

– 2007 йилда ёғ-мой саноати бўйича маҳсулот асосий турларини ишлаб чиқаришнинг мақсадли прогноз параметрлари 265,1 минг тонна тозаланган ўсимлик ёғи тайёрлашни назарда тутган эди. Амалда эса 251,2 минг тонна ёғ тайёрланди ёки режа 98,4% қилиб бажарилди. Хусусан, "Андижон ёғ-мой" ОАЖ мўлжалланган ҳажмларнинг бор-йўғи 72,4%ини, "Бухоро ёғ-экстракция" ОАЖ – 74%и, "Қарши ёғ-экстракция" ОАЖ-74,4%и, "Эффектив ойл" ХК эса 45,9%ини берди. Пахта тозалаш заводларидан кредиторлик қарзи қолақликнинг асосий сабаби бўлдики, улар вақти-вақти билан чигит етказиб беришни тўхтаиб қўйишга мажбур бўлдилар.

Андижон, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари корхоналарида соя уруғидан ёғ ишлаб чиқариш қўшимча равишда ташкил қилинди, бироқ импорт қилинадиган соянинг нархи қимматлашганлиги оқибатида улар мажбуриятларини ҳам бажармадилар, бу эса ўз навбатида тармоқ бўйича умумий прогноз кўрсаткичларига эришишга салбий таъсир кўрсатди.

Қир совун ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари билан таққослаганда фақат 64,4%га таъминланди ("Андижон ёғ-мой" ОАЖ – 43,3%, "Каттақўрғон ёғ-мой" ОАЖ – 48,5%, "Бухоро ёғ-экстракция" ОАЖ – 66,7%). Бунга хом ашёнинг қайта тақсимланганлиги сабаб бўлди, уни



совунга эмас, балки ёғ ишлаб чиқаришга йўналтирилган эди. Бундай аҳвол ушбу маҳсулотларнинг истеъмол бозорига ва улар ишлаб чиқарувчиларининг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатди.

– Қўмита мажлисида қайд этилган хом ашё ва тайёр маҳсулот ҳисобидаги камчиликлар тармоқ аҳволига қай даражада таъсир кўрсатди?

– Уюшма корхоналарида "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун (бундан кейин - Қонун) ижросини ўрганиш шунини кўрсатдики, у ерда, албатта, ушбу йўналишда муайян иш олиб борилган. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, сифатни бошқариш ISO 9001 тизими жорий этилган. Шу билан бирга Уюшма хўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятида айни ҳисоб билан боғлиқ баъзи бир камчиликлар мавжуд.

Қонун 2-моддасининг талабларини бажариш учун жорий йилда



(Уюшма қайта рўйхатдан ўтказилганидан кейин икки йил ўтгач) чигитни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашнинг тармоқдаги хусусиятларини ҳисобга олувчи алоҳида меъёрий ҳужжат – ёғ-мой саноати корхоналарида хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулот ҳисобини юритиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун Адлия вазирлигига тақдим этилди. Ҳозирги пайтгача тармоқ корхоналарида Харажатлар таркиби тўғрисида низом¹ меъёрларининг нисбатан эркин талқини амал қилмоқда. Тармоқда мазкур йўналиш бўйича ички ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона тизими мавжуд эмас.

– Қандай ҳуқуқбузарликлар тўғрисида сўз борди?

– Мисол учун, ўрганишнинг кўрсатишича, тармоқ корхоналарида "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг бошланғич ҳужжатларни тузиш ва улар ҳисобини белгилайдиган 9-моддаси талабларини бажармаслик далиллари мавжуд. Хусусан, қирим (пахта тозалаш заводларидан чигитнинг келиб тушиши) ва чиқим (тайёр маҳсулотни юклаб жўнатиш) дафтарларида тасдиқланмаган тузатиш ва ўчиришлар мавжуд. Тарозидан тортиш дафтарини сақлаш қоидалари бузилиши, смени топшириш ва қабул қилиш тўғрисидаги охириги ёзувлар остида навбатчи тарозибонлар имзоларининг йўқлиги аниқланди. Чигит ет-

казиб берилишини солиштириш далолатномаларининг баъзиларига бунга ваколати бўлмаган шахслар имзо чекишган. "Майда нарса" бўлиб кўринадиган бу ҳолларнинг ҳаммаси охир-оқибатда – назарий жиҳатдан олганда – хом ашё ва тайёр маҳсулотни ўғирлашларга имкон яратиши мумкин.

Баъзи корхоналар 19-сон БҲМС "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш"² белгиланган инвентарлашни ўтказиш бўйича талабларга риоя қилмайдилар, йиллик молиявий ҳисоботни тузишга қадар дебиторлар, кредиторлар бўйича солиштириш далолатномаларини тузиш чоғида ҳуқуқбузарликларга йўл қўядилар.


Қонуннинг 12-моддаси билан активлар ва мажбуриятларни баҳо-

варақда физик оғирликда ҳисобга олинади. Хом ашё таннархига киритиладиган бошқа харажатлар (транспорт, юклаш-тушириш ва ҳоказо) бевосита ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга оладиган ҳисобварақларга киритилган. Буларнинг ҳаммаси 4-сон БҲМС талабларига мувофиқ келмайди. Шу сабабли, эҳтимол, Харажатлар таркиби тўғрисида низомга¹ биноан аниқ тарзда тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Уюшма корхоналари учун қишлоқ хўжалиги хом ашёсини (чигит ва ҳоказо) ишлаб чиқариш таннархига киритишнинг ягона тартибини ишлаб чиқишдан маъно бордир.

Валюта операциялари (ҳисоб юритувчи ходимлар баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган курсдаги фарқларни молиявий натижаларга қандай қилиб киритиш кераклигини тушунмаслиги билан боғлиқ), корхоналарнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобида, қўшимча ҳисоблаб ёзилган солиқлар ва мажбурий тўловлар суммаларини ҳисобда акс эттиришда ҳам камчиликлар мавжуд.

– Кейинги йилларда тармоқ дебиторлик-кредиторлик қарзи билан боғлиқ вазиятни яхшилашга ҳаракат қилди. Бу нарса амалда қанчалик уддаланди?

– 2007 йилда Уюшма ўз корхоналарининг молиявий аҳволини барқарорлаштириш, дебиторлик қарзини ундириш ва кредиторлик қарзини тўлаш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғар-



лаш қоидалари белгиланган. Товармоддий захиралар ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттириш услубияти 4-сон БҲМС "Товармоддий захиралар"³ билан тартибга солинган. Биз амалиётда нимага эгамиз? Ушбу корхоналар асосий хом ашёси – чигитнинг ҳаракати бухгалтерия ҳисобида унинг сифат кўрсаткичларига мувофиқ алоҳида ҳисоб-

¹ Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарорига илова).
² АВ томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган.
³ Молия вазирининг АВ томонидан 2006 йил 17 июлда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

УШБУ СОНДА	1-3 бетлар	2-бет	4-5 бетлар	7-10 бетлар
	Қонун чиқарувчилар нималар устида ишлашмоқда	Янгича бухгалтерия ҳисоби	Сўз хусусий бизнес вакиллари	Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар
	\$1 = 1313,44 сўм	€1 = 2089,16	£1 = 2608,62 сўм	¥10 = 123,41 сўм

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ЯНГИЧАСИГА!

Ўзга мамлакат қонун лойиҳалари

Россия Молия вазирлиги ўзининг расмий сайтида (www1.minfin.ru) "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Федерал қонун лойиҳасини эълон қилди. Уни муҳокама қилишга етарлича вақт – расман чоп этилган кундан бошлаб камида уч ой берилди.

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг мақсади долзарблигини йўқотган меъёрларни, самарасиз қоидалар ва ҳозир амалда бўлган федерал қонуннинг амалиётда аниқланган нуқсонларини бартараф этиш ҳисобланади. Унинг асосий ғояси бухгалтерия ҳисоби тизимини тартибга солувчи меъёрларни ҳужжатлаштиришдан иборат. Муҳокама иштирокчиларининг таъкидлашича, тақдим этилган қонун лойиҳасининг қоидалари ҳар доим ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳақиқий иқтисодий моҳиятини акс эттирадиган молиявий ҳисоботга нисбатан зарур талабларга чиндан ҳам жавоб беравермайди.

КОН ТАРТИБИДА – АСОСИЙ ҚОНДАЛАР

Қонун лойиҳасида унинг мақсадлари, амал қилиш соҳаси, асосий тушунчалари, Россия Федерацияси қонунчилигидаги ўрнини белгиладиган умумий меъёрлар мавжуд. Фуқаролар, ташкилотлар ва давлат тимсолида ҳисоботдаги ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун уларга бухгалтерия ҳисобига доир ягона талаблар белгиланади. Улар сирасида қуйидагилар айtilган: бухгалтерия ҳисобини юритиш мажбурияти; иқтисодий субъектнинг ҳисоб сиёсати, бирламчи ҳисоб ҳужжатларини, бухгалтерия ҳисоби регистрларини расмийлаштиришга доир талаблар; активлар ва мажбуриятларни инвентаризациялаш мажбурияти; активлар ва мажбуриятларни пул билан ўлчаш бобидаги талаблар; бухгалтерия (молиявий) ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби; бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини сақлаш тартиби; иқтисодий субъектда ички назорат зарурлиги.

Қонун лойиҳасида қуйидаги меъёрлар аниқлаштирилади: бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий атамалари; бухгалтерия (молиявий) ҳисоботдан фойдаланувчиларни белгилаш; иқтисодий субъектнинг ҳисоб сиёсатини ўзгартириш тартиби; бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг шакллари; бухгалтерия ҳисоби объектларининг пул ўлчови, шу жумладан

чет эл валютаси ва рублларда ифодаланган пул активлари ва мажбуриятларини қайта ҳисоблаш тартиби; бухгалтерия (молиявий) ҳисобот таркиби.

ган ташкилотларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмаларига;

б) Давлатлараро ва ҳукуматлараро ташкилотлар, уларнинг Рос-

КИМЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТМАСА БЎЛАДИ

Амалдаги Федерал қонун бўйича	Қонун лойиҳаси бўйича
– юридик шахсни ташкил қилмаган тадбиркорлар;	– яқка тартибдаги тадбиркорлар;
– адвокатлик фаолиятини адвокатлик кабинетига амалга оширадиган адвокатлар;	– адвокатлар;
– солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган ташкилотлар (асосий воситалар ва номоддий активларнинг ҳисобидан ташқари)	– нотариуслар;
	– Россия Федерацияси ҳудудда жойлашган, чет эл давлатлари қонунчилигига мувофиқ ташкил қилинган филиаллар, ваколатхоналар ёки бошқа таркибий бўлинмалар

ЎЗГАРТИШЛАР КИМЛАРГА ТЕГИШЛИ БЎЛАДИ?

Қонун лойиҳасининг амал қилиш соҳаси кенгайтирилди. Уни:

- 1) ташкилотлар, шу жумладан давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бршқариш органлари, давлат бюджетдан ташқари жамғармалари ва ҳудудий давлат бюджетдан ташқари жамғармалари бошқармаларига;
- 2) тадбиркорлик фаолиятини юридик шахсни ташкил қилмасдан амалга ошираётган жисмоний шахсларга;
- 3) адвокатлик кабинетларини таъсис этган адвокатларга;
- 4) хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга;
- 5) Россия Федерацияси ҳудудида жойлашган, чет эл давлатлари қонунчилигига мувофиқ бунёд этил-

сия Федерацияси ҳудудда жойлашган филиаллари ва ваколатхоналарига татбиқ этиш мўлжалланмоқда.

Кичик тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган ҳисоб юритиш тартиби сақланган ва молиявий ҳисоботнинг соддалаштирилган шакллари тақдим этиш тартиби назарда тутилган. Бироқ уларнинг янги қоидалар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритишларига барибир тўғри келади. Лекин муҳокама иштирокчилари (кичик бизнес ҳисоботи ташқи фойдаланувчиларнинг кенг доирасига эга эмаслигини ҳисобга олиб, - уларнинг асосийлари солиқ органлари ҳисобланади, уларнинг манфаатларини солиқ қонунчилигининг талаблари қондиради) улар томонидан молиявий ҳисобот ихтиёрий

тартибда тузилиши имкониятини тахмин қилмоқдалар.

Бухгалтерия ҳисоби объектларининг рўйхати ҳам қайта ишланди.

доир тақиқлаш меъёри мавжуд эмас. Дарвоқе, буни уларни киритишга рухсат сифатида қарамаслик керак, чунки бундай меъёрнинг амал қилиши

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ОБЪЕКТЛАРИ

Амалдаги Федерал қонун бўйича	Қонун лойиҳаси бўйича
– мол-мулк;	– хўжалик ҳаёти далиллари;
– мажбуриятлар;	– активлар;
– ташкилотлар томонидан уларнинг фаолияти жараёнида амалга ошириладиган хўжалик операциялари	– мажбуриятлар ва бошқа манбалар;
	– фаолиятни молиялаш;
	– даромадлар;
	– харажатлар;
	– агар буни миллий стандартлар белгиланган тақдирда бошқа объектлар

ЛОЙИҲАДАГИ БИРЛАМЧИ ҲУЖЖАТ

Қонун лойиҳасида бирламчи ҳужжатларнинг бирхиллаштирилган шакллари қўллаш мажбурияти йўқлиги далили эътиборлидир. Хўжалик фаолияти далилини расмийлаштириш учун бирламчи ҳужжатни қўллаш унинг шакли раҳбар томонидан тасдиқлангач, шунингдек ҳисоб ҳужжатида барча мажбурий реквизитлар мавжудлигида амалга оширилади. Уларга тузатишлар киритиш тартиби ҳам қайта ишланди.

Қонун лойиҳасида амалдаги федерал қонун белгиланган, касса ва банк ҳужжатларига тузатишлар киритишга


бошқа меъёрий ҳужжатда қонунлаштирилиши мумкин.

РЕГИСТРЛАРДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР

Қонун лойиҳаси регистр шаклига риоа қилиш мажбуриятини белгилайди ва унда бўлиши керак бўлган қуйидаги мажбурий реквизитлар рўйхатини қайд этади: регистр ва уни ташкил қилган иқтисодий субъектнинг номи, регистр юритиш бошланган ва тугаган сана ҳамда (ёки) у тузилган давр, хўжалик ҳаёти далилларини хронологик ва (ёки) тизимли гуруҳлаш, ўлчов бирлигини кўрсатган ҳолда уларнинг пул ўлчови микдори, регистрни юритиш учун масъул шахслар лавозимларининг номланиши, фамилиялари ва исм-шарифларини кўрсатган ҳолда шахслар имзолари ёки регистрни юритиш учун масъул шахсларни идентификациялаш учун зарур бошқа реквизитлар.

Шу тариқа қонун лойиҳасига, амалдаги федерал қонуннинг аниқлаштирилган ва қайта ишланган меъёрларидан ташқари, унда бўлмаган, бироқ ҳисоботдан фойдаланувчилар ишончли молиявий ахборот олишларини кафолатлаш учун зарур бўлган қоидалар киритилган.

Хорижий матбуот материалларидан.



ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 15 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 австралия доллари	1272,20	1 польша злотийси	642,11
1 англия фунт стерлинги	2608,62	1 СДР	2141,58
1 дания кронаси	280,09	1 туркия лираси	1076,50
1 БАА дирхами	357,62	1 швейцария франки	1289,46
1 АҚШ доллари	1313,44	1 евро	2089,16
1 миср фунти	247,82	10 жанубий корея вони	13,07
1 исландия кронаси	17,03	10 япония иенаси	123,41
1 канада доллари	1301,85	1 россия рубли	56,20
1 хитой юани	192,31	1 украина гривнаси	271,28
1 малайзия ринггити	406,07		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.


МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	16.07.2008	1	0,8054	1	1,2813	1	0,0348
Арманистон	16.07.2008	1	302,57	1	481,96	1	13,06
Беларусь	17.07.2008	1	2120,00	1	3376,84	1	91,52
Грузия	17.07.2008	1	1,412	1	2,2485	1	0,061
Қозоғистон	17.07.2008	1	120,05	1	191,24	1	5,18
Қирғизистон	12.07.2008	1	35,4621	1	55,9556	1	1,5172
Латвия	17.07.2008	1	0,442	1	0,702804	1	0,0191
Литва	17.07.2008	1	2,1706	1	3,4528	10	9,3692
Молдава	16.07.2008	1	9,8127	1	15,7164	1	0,425
Тожикистон	16.07.2008	1	3,4284	1	5,433	10	1,4825
Ўзбекистон	15.07.2008	1	1313,44	1	2089,16	1	56,20
Украина	16.07.2008	100	484,01	100	773,932	10	2,093
Эстония	16.07.2008	1	9,82148	1	15,6466	1	0,423961

Манба: www.prime-tass.ru

УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www.restoran.uz



www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф!

УШБУ СОНДА:	✓ ҚОНУНЧИҚАРУВЧИЛАРНИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА - Ёғ-мой саноати: Бухгалтерия ҳисобини юритишдаги муаммолар 1-3-бетлар	✓ ХУСУСИЙ ИШ БОШЛАДИМ - Кенгга кенг дунё... - Яхшилар сафида барака бор - Бола бошидан - Барча ҳужжатлар "бир дарча"дан 4-5-бетлар	шахслар даромадидан олинадиган солиқ ҳисоб-китоби 6-бет	хона қўмитасининг "Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори 7-10-бетлар
	✓ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА - Бухгалтерия ҳисоби янгиҳасига! 2-бет	✓ БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ - 2008 йил июль ойи учун жисмоний	ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР Идоравий-меъёрий ҳужжат: - Ўзбекистон Республикаси Давлат бож-	✓ ПАНОРАМА 11-16-бетлар

1-бетла маларга ўз вақтида тўлаш бўйича муайян иш қилди. Чунончи, уларнинг ялли (суммар) дебиторлик қарзи (ички идоровий қарздан ташқари) – шу жумладан муддати ўтказиб юборилган қарзлар – жорий йилнинг 1 январидаги ҳолат бўйича ўтган йилнинг бошлари билан таққослаганда 5,4 млрд сўмга, кредиторлик қарзи эса 540,4 млн сўмга камайган.

Бу йўналишда ҳам ишлашни давом эттириш лозим. Қисман дебиторлик қарзи суммалари чигитун “Ўзпахтасаноат” уюшмаси корхоналарига ва идоранинг ички корхоналарига ишлаб чиқарилган маҳсулот учун олдиндан ҳақ тўлашни, шунингдек ширкат хўжаликлари тугатилиши туфайли вужудга келган, ушбу хўжаликлар билан жорий қарзлар бўйича ва маҳсулот етказиб

берилиши учун ўз вақтида ўзаро ҳисоб-китоблар қилинмаган. Мисол учун, “Асака ёғ” ОАЖ 2005 йилда ширкат хўжаликларида ташкил этилган фермер хўжаликлари бўйича 553 млн сўм дебиторлик қарзига эга. Бошқа кўп корхоналарда ҳам худди шундай.

Бундан ташқари, биржа орқали улгуржи савдо корхоналарига сотилган пахта ёғи учун юз фоиз олдиндан ҳақ тўлаш йўлга қўйилганлигига қарамай, тармоқ ҳалигача чигит учун “Пахта саноат” уюшмаси корхоналаридан каттагина кредиторлик қарзига эгадир. Бу эса аҳолини пахта ёғи билан таъминлашда узилишларга олиб келяпти. Масалан, 2008 йил 1 июнда “Ёғар Беруний” ОАЖ чигит учун 400 млн сўм, “Чимбой мой” ОАЖ – 520 млн, “Турон Хўжайли” ОАЖ – 336 млн, “Қарши ёғ-мой” ОАЖ – 536 млн, “Наманган

ёғ-мой” ОАЖ – 434 млн, “Фарғона ёғ-мой” ОАЖ 515 млн сўм муддати кечиктириб юборилган кредиторлик қарзига эга.

Бундан ташқари, ўтган йили Уюшма корхоналари амалда консолидацияланган баланс маълумотлари бўйича ҳисоб-китобдагидан кўп тўлаганлар: солиқларни – 3 057,5 млн сўм, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўловларни – 403,2 млн сўм, Республика йўл жамғармасига тўловларни – 213,5 млн сўм, Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига тўловларни 32,7 млн сўм кўп тўлашган.

– Бухгалтерия ҳисобини юриштишдаги камчиликлар ҳар йилги мажбурий аудит жараёнида аниқланиши керак. Назорат қилувчи органларнинг текширувларини эса айтмаса ҳам бўлади...

– Чамаси, барча аудиторлик текширувлари етарлича синчиклаб ўтказилмайди. Мисол учун, тармоқ корхоналарининг бирига аудиторлик хизматларини бир неча йил мутасил битта аудиторлик ташкилоти кўрсатиб келган. Унинг барча хулосалари (албатта, ижобий) тамомила бир хил матнга эга бўлган, бу эса ишга расмият учун ёндашилганлигини кўрсатади. Лекин, албатта, бозор иқтисодиётининг муҳим унсури ҳисобланган аудиторлик ташкилотлари акциядорлар, ҳамкорлар ва инвесторлар учун ишларнинг ҳақиқий аҳолини акс эттирадиган, аниқланган камчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатадиган аудиторлик ҳисоботларини тайёрлашлари керак.

Мазкур тармоқни назорат-таҳлилий ўрганиш яқунлари бўйича Бюджети ва иқтисодий ислохот-

лар кўмитаси аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор тавсияларни тайёрлади. Хусусан, корхона раҳбарлари бухгалтерия ҳисобининг ҳолати учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилишлари керак. Тармоқ ичидаги шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш, прогноз кўрсаткичларини бажармаган корхоналар фаолиятини эътибор билан таҳлил қилиш ва қоқоқлик сабабларини бартараф этиш лозим. Албатта, тизим бухгалтерларининг профессионал даражасини ошириш устида ҳам ишлаш керак. Ўйлашимизча, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси ушбу жараёнга кўмак бериши мумкин.

Махсус мухбиримиз Юлия ЯШИНА тайёрлади. Муаллиф олган суратлар.

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- **Хўжалик низосини тез ҳал этиш** (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиш)
- **Иш кўришнинг тежамлиги** (низони ҳал этишга алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- **Судьяларнинг малакаси** (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- **Мобиллик** (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тугаллиги** (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо моҳиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши**, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузурдаги ҳакамлик суди
Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Бухоро кўч., 6. Телефон (+998-71) 2394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

Защищая от ошибок...

«Бератор» (советник) – справочные системы для БУХГАЛТЕРА И РУКОВОДИТЕЛЯ.
«Академпред»: т./ф.: 241-05-42, 241-08-78
www.berator.uz

ЯНГИЛАНУВЧИ ҚЎЛЛАНМАЛАР

Қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилдими? Янги Солиқ кодекси чиқдими?? Буларнинг ҳаммасини қандай ҳисобга олиш мумкин???

ҚЎЛ ОСТИНГИЗДА ҚЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ БЎЛСА, БУ МУАММО ЭМАС

“АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ”

1 жилд – 800 саҳифа – 500 дан ортиқ вазият ва мисоллар

“АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ”

2 жилд 800 саҳифадан – 1 000 дан ортиқ мисоллар ва амалий маслаҳатлар

12 ой давомида 6 та янгилаш

- Тушунтиришлар
- Шарҳлар
- Тавсиялар

Кўшимча ахборот учун телефонлар:
244-89-17, 244-44-29, 244-18-99

Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда

30 дан зиёд офис ва 300 агент

- транспортнинг барча турларида юк ташиш
- юкларни “эшиқдан эшиккача” етказиб бериш
- импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

Ҳаётини гаплардан гаплашайлик

Кенга кенг дунё...

(Халқ мақолидан)

Ҳадемай ўз мустақиллигининг ўн етти йиллигини нишонлайдиган давлатимизда бизнес ишини йўлга қўйиш билан боғлиқ вазифаларни минг-минглаб ватандошларимиз - тадбиркорлик борасида ўзини синаб кўришга, даромадини ўз кучи ва ҳаракати билан оширишга, турмушини маъмур қилиб қўйишга қатъий аҳд қилган замондошларимиз ҳар куни, ҳар соатда ҳал этмоқдалар. Яхшигина натижаларга эришмоқдалар ҳам. Аҳли жаҳонга тадбиркорлиги билан танилган машҳур Генри Форд бизнесни бошлаш учун яхши гоёнинг ўзи кифоя қилмайди, тиришқоқлик ва кунт-сабот, ўз сўзининг устидан чиқадиган даражадаги ўжарлик, кечакундуз тиним билмай ишлаш истаги ҳам бўлиши керак деб таъкидлаганди. Шу соҳада мустақил йўлга чиқиб олган, шиддат билан ўзгариб бораётган бир шароитда оёққа туриб олиш йўлидаги қийинчиликларни енгиб, янги-янги чўққиларни забт этишда давом этаётган кишиларнинг тажрибаси америкалик автомобилсоз корхонанинг юқорида келтирилган сўзларига исбот бўла олади. Ёш тадбиркорларнинг бизнес борасидаги илк одимлари қийин кечишини инobatга олиб, қисқа муддат ичида Самарқанд вилоятида етакчи мебель ишлаб чиқарувчилар билан жиддий рақобатлашиш даражасига эришган "Otabek" масъулияти чекланган жамиятининг тажрибаси билан газетхонларимизни таништиришни жоиз деб топдик.

"Otabek" масъулияти чекланган жамият мебель фабрикасининг маҳсулотини шу йил баҳорда, "Tashabbus-2008" вилоят танловининг якунловчи босқичи экспозициясида кўрган кўпгина томошабинлар аввалига бу бағоят яхши ишланган, сифатли, бежирим ва ҳашамдор мебель маҳаллий маҳсулот эканлигига, ўзимизнинг усталар уни чет эликларнинг ҳеч бир иштирокисиз тайёрлаганликларига сира ишонмадилар. "Ундай бўлса, корхонамизга келинг, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўриб, ишонч ҳосил қиласиз", - дейишди "Otabek" мебелсозлари. Компания директори Раҳматжон Эгамбердиев билан суҳбатимиз компаниянинг Самарқанд вилояти чеккароғидаги Кониғил қишлоғида жойлашган замонавий идорасида бўлди.

Истиқлолнинг илк даврида, аниқроғи 1992 йили "Галаба" жамоа ҳўжалиги хузурида "Боғишамол" кичик корхонаси ташкил этилди-ю, унга бошчилик қилиш менинг чекимга тушди. Корхона фаолиятининг асосий тури вино ишлаб чиқариш бўлади деб режалаштирилганди. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида ичкилик-бозликка қарши ўтказилган кураш кампаниясидан кейин бу тармоқдаги ишларнинг аҳволи, юмшоқроқ қилиб айтганда кўнгилдагидек эмасди. Вақт ўтиши билан ички бозордаги вазиятни тўғри баҳолаб, фаолият йўналишини ўзгартиришга қарор қилдик. Ўша кезлари мебелсозлик энг истиқболли йўналишлардан бири даражасига кўтарилгани учун ҳам фаолиятнинг янги соҳасини танлаётганда шу иш билан шуғулланишни маъқул топдик. "Галаба" жамоа ҳўжа-

лиги бошқаруви важ-корсонларимизни эътиборга олиб, бизни қўллаб-қувватлади. 1998 йили Самарқанд тумани ҳокимининг қарори билан корхонамиз масъулияти чекланган жамиятга айлантирилган, ҳозирги номни ("Otabek") олдик. Шу зайил кечаги кичик корхона, баралла оёққа туриб, замонавий йирик ишлаб чиқаришга айланди.

ВАГОНЧАДАГИ ИДОРА

Биз иш бошлаганимизда чоратроф яйдоқ, хувиллаб ётган ерлар эди. Ҳозир бу ерда бир неча ишлаб чиқариш цехи қад ростлаган, омборхона бинолари уларга туташ. Ишлаб чиқариш ҳудудининг умий майдони 0,4 гектарга боради. Сиз билан суҳбатлашиб ўтирган жойни - замонавий идорани энг охирида қурдик. Муддао камкам бўлур деганларидек, ҳаммасини бирдан қуриб бўлмайди, албатта. Аввалига идора ҳақида ўйламадик ҳам. Бор фойдани ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ташлайвердик.

Фаолиятимизнинг бошларида вагончалар олиб келиб ўрнатдик, чор-атрофдан темир-терсак йиғиш ҳаракатига тушдик, ҳовлининг ўртасига уларни уйиб ташладик. Мебель чўпқориликка асосланган, пишиқ бўлиши учун эса металл мустаҳкамлагичлар керак. Уларни қаердан олиш ҳақида обдон бош қотирдик. Шундай маҳсулот етказиб берувчиларга умид қила олмаимиз - улар билан амалий мулоқот қилишга қурбимиз етмасди. Дастгоҳлар излашга тушдик. Бутун вилоятни кезиб чиқдик, ҳатто Учқудуққа ва Фарғона водийсига ҳам боришга тўғри келди. Ишга яроқли, аммо таъмирталаб даст-

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарадиган иши ва ҳалол савдодир.

(Ҳадис)



Суратда: Раҳматжон Эгамбердиев. "Бу парталарда болажонларимиз билим олишади".

"Otabek" масъулияти чекланган жамияти директори Раҳматжон Саломович Эгамбердиев Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тамомлаганига ўттиз йилдан ошди. Институт мебелсоз муҳандис-технологларнинг фақат биргина гуруҳини тайёрлаб чиқарди. Бу гуруҳ олий ўқув юртини тамомлаганлар орасида алоҳида обрў ва эътибор топди. Умуман олганда Самарқандда мазкур институт бағридан катта ҳаётга йўлланма олганларга муносабат ижобийдир. Қадимги Юнонистон ва Римда меъморий ноёб ёдгорликлар ёнида бирон иншоот тиклаш бағоят мураккаб ва масъул вазифа эканлиги сабабли ҳам ўзинг ён, бошқаларни ҳам ёндир деган ҳикматомуз нақл бор эди. Мебелсозлик соҳасида ҳавас қилса арзигулик иш олиб бораётган Р. Эгамбердиев ишга иштиёқи билан атрофдагиларнинг кўнглига чўғ солиб, уларни янги-янги марраларни забт этишга отлантирган, ўз касбига устодлик рутбасига эришганлардан бири. Янги мебель тайёрлаш гоёси, у ёки бу материални ишлатиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалари уни ҳеч қачон тинч қўймайди. Ундаги тиниб-тинчимаслик ва ҳаммаша изланиш фазилатлари туфайли корхона ўз ривожига сира бўшашмаяпти. Тадбиркор раҳбарнинг ўзи эътироф этганидек, "Энди ўз ишимни жуда яхши билиб олдим деб бўлмайди. Доимо изланиш зарур..."

гоҳлар олдик, уларни ўзимиз қулини ўргилсин қилиб таъмирладик, мойлаб, зарур қисмларини созлаб ишга солавердик. Пастдарғом туманидаги таъмирловчи устахоналар банкротликка учраганлигини эшитиб, дарҳол ўша ерга етиб бордик. Уларнинг усқуналари бизга сув билан ҳаводек зарур эди. Эндиликда асбобсозлик цехимизнинг ўзида қирқта дастгоҳ бор. Бошқа дастгоҳлар ҳам ишга шай. Металл сатхларни полимер билан қопловчи махсус қурилма* кейинги пайтда сотиб олган энг яхши механизмлардан бири, у билан фахрлансақ арзийди.

2006 йилга келиб Хитой Тайпейида ишлаб чиқарилган иккита қирқув дастгоҳи олдик. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот турларини анчагина кенгайтиришимизга ёрдам берди. Эндиликда мактаб мебелли ва усқуналаридан ташқари спорт инвентари (гимнастика деворчалари, теннис столи,

судья миноралари), мактабгача тарбия болалар муассасалари, кутубхона ва тиббиёт муассасалари учун маиший, ошхона мебеллари ва идоралар учун мўлжалланган юмшоқ мебеллар чиқармоқдамиз.

ДАСТАБКИ УСҚУНАМИЗ...

ДАЗМОЛ ЭДИ

Корхона иш бошлаган кезлари ишловчилар сони ўн нафардан

* Бутун жаҳонда саноат ишлаб чиқаришида бўйаш ишларида одатдаги мой-бўёқдан воз кечилди ҳисоб. Негаки, полимер қуқун билан қоплаш ҳам пишиқ, ҳам узоққа чидайди. Ана шу жараён босқичларидан бири маҳсулот сиртига юпқа қатлам қилиб суртилган қуқунни юқори ҳароратда тоблаб олишдир. Бунда ҳарорат 200 даражага етади. Полимер қуқун қопламаси цехини корхонада иссиқ бўёв цехи деб юритишар экан. Ана шу цехда бўлганимизда ишчилар парта ва столларнинг металл ўзақларини печкалардан тортиб чиқаришаётган экан. Чўғдек яшил деталларни махсус излар орқали цехнинг бир чеккасига олиб бориб, совутиш учун қўйишар экан. Уларни бу ердан кейинчалик йиғув цехига олиб боришар экан. Йиғув цехида қизлар бригадаси махсус ёғоч болгалар билан илгарироқ бўйлаб парталарнинг оёғига пластмасса "пайпоқлар"ни уриб киритишарди.

** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрда қабул қилинган "Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 390-сон қарори.

БОЛА БОШИДАН

Самарқандлик олти яшар Амиржон билан танишиб, омилкорлик, меҳнатсеварлик ва ўқув ёшга боғлиқ эмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Мен уни ота-онаси ишлаётган ҳўжалик дўкони олдида ўтаётиб кўриб қолдим. Болакай дўконга кириверишда териб қўйилган челақ, тос, шлангларни берилиб артомқда эди. Кичкинагина челақча кўтариб олган: челақчасида сув, қўлида бир парча тоза доқа. Бир зумда сотиладиган маҳсулотларни чиннидек қилиб артиб чикди.

Унинг тиришқоқлигига қойил қолиб, суратини олмоқчи бўлдим. Болакай объективни тўғрилашим билан тортинчоқлик қилдики, ҳар қалай дўконга, ичкарига кириб кетди. Шу ерда қўланиб юрган бувиси, сал нарида шланг билан сув сепаётган буваси, ҳатто қўшни дўконда ишлайдиган амаки ҳам уни суратга тушишга кўндирди олмади.

– "Садриддин" хусусий ишлаб чиқариш-савдо корхонасининг ҳўжалик моллари дўконига сотувчилик қиляпман, кўрганингиздек, катта неварам ёрдам беряпти, - деди бувиси Дилбар Қорабоева жилмайиб. – Эрталабларини айтмасан, бу гавжум жойдан харидор аримади. Кимдир бўёқ, кимдир ғалтаксимон мой чўтка сўрайди, кимгадир лампочка керак. Халқимиз иморат қуришга


ўч, қолаверса яшаб турган ҳовли-жойни қараб, таъмирлаб турмасан бўлмайди. Ўзиникида бўлмасан ҳам қўшнингникида тўй-тўйчиқ бўлган тақдирда ҳам иморатингни оқлаб-қўқлаб қўйишинг зарур. Турар жой дув тўкилиб ётишидан худо асрасин. Хуллас, дўконимиздан харидор аримади. Ҳаммасига хизмат кўрсатиш, қуруқ чиқиб кетмасликлар пайида бўлиш керак.

– Дераза ромини бўйаш учун пишиқроқ мой чўтка қидириб юрган эдим, - деди бир жувон дўконга ҳовлиқиб кириб. – Ҳа, пишиқ бўлсин. Яқинда қўшним сотиб олган чўтка эшикнинг битта табақасини мойлашга ҳам дош беролмаганидан нолиб қолди.

– Бизда ёмони бўлмайди, - деди Дилбархон буви. – Мана буни кўринг, нақ бутун маҳаллани мойлашга чидаб беради. Агар шундай бўлмаса, ўзимга олиб келинг, пулингизни қайтариб бераман.

Харидор қувонганича харидини кўтариб чиқиб кетди. Бошқа харидорларнинг чехрасида ҳам мамнуният аломатларини кузатдим. Чикқунимча Амиржон музқаймоқни еб бўлиб, яна ишга киришиб кетган экан. Секингина яқинлашиб, фотоаппаратни тўғриладим ва қарагани ҳамони тугмачани босдим. Шу ёшидан ишга бўйин эгиб, катталарга баҳоли қудрат кўмаклашаётган ўғлон суратга олинди.

Эльвира ЯГУДИНОВА,
"СБХ" мухбири.



Суратда: Самарқандлик олти яшар Амиржон.

БАРАКА БОР

ёркин мисол бўла олади. Вазирлар Маҳкамасининг қарори** шарофати билан корхонамиз ягона солиқ тўловини ўтган йили 31 декабрга қадар илгари амал қилиб келганга нисбатан 25 фоиз пасайтирилган ставка бўйича тўлаш имтиёздан фойдаланиб келди. Бюджетга 110 миллион сўм тўладик, имтиёз туфайли тежаб қолинган 55 миллион сўмдан ортиқроқ маблағни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирдик. Шу туфайли Туркиянинг "Turanlar" фирмасидан бешта дастгоҳ олдик - иккита фрезер дастгоҳи, андоза-ўлчов, қирра-хошияларни пардозловчи ва софт-форминг дастгоҳлари.

Бу йил ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини қарийб икки баравар кўпайтирмакчимиз, шу йилдан эътиборан солиқларни умумий асосларда тўлашимиз. Корхонамиз ривожлангани сари бойиб бормоқда. Мамлакатимизда бизниқига ўхшаш корхоналар сони тобора ортмоқда. Бинобарин, солиқ йиғимлари ҳажми ҳам кўпайиб бормоқда. Барча тўғри, виждонли ва ҳалол тўловчилардан бюджетга ажратмалар узлуксиз бориб турибди, давлат шунинг ҳисобига солиқ ставкаларини пасайтира бориш сиёсатини давом эттириши мумкин. Ўйлашимча, менинг бу фикрларимни ҳеч ким инкор қилмас керак. Ягона солиқ тўлови ставкаси бу йил ўн фоиздан саккиз фоизга камаяди - корхонамиз бу тўловда яна пул тежайди, демек ходимларнинг меҳнатини рағбатлантириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қўшимча маблағларга эга бўламиз. Давлатга тўлашимиз жоиз бўлган солиқларни ўз муддатида ва тўлиқ тўлашимиз. Зотан, қарс икки қўлдан деганларидек ҳамкорлик икки тарафлама бўлади-да! Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ягона солиқ тўлови бўйича ажратмаларимиз бу йил 360 миллион сўмга бориб қолади.

МАКТАБ МЕБЕЛИ ТАЙЁРЛАШ: МУРАККАБ, АММО ИСТИҚБОЛИ БОР СОҲА

Корхонамиз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири мактаб мебеллари, фан кабинетлари учун ускуналар тайёрлашдир. Маълумки, болаларга мўлжалланган, улар ишлатадиган ашёларга талаб кўпроқ бўлади. Бундай ашёларнинг юзи едирилиб кетишга чидамли, чеккалари қиррадор эмас, юмалоқроқ бўлиши, пишиқ-пхта, кимёвий жиҳатдан хавфсиз бўлиши лозим. Биз мактаб таъминотида мўлжалланган маҳсулотларни тендер буюртмалар асосида бажарамиз. Шу сабабли ҳам мактаб мебелига нисбатан белгиланган нормативларга бепарворок муносабатда бўлишимиз мумкин эмас.

Фаолиятимизнинг асосий йўналиши сифатида мактаб мебелларини тайёрлашни танлаганлигимиз бежиз эмас. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан ортиги болалар эканлигини биласиз. Демак, болалар-боп маҳсулотларга талаб барқарор равишда юқориликча қолаверади, биз, ишлаб чиқарувчилар маҳсулотни ўтказиш борасида кўп ҳам бош қотирмаймиз. Мактабларни мебель ва ускуналар билан жиҳозлаш учун тендерда ютиб чиқиш яхшигина иш ҳажмига эга бўлиш, корхона фойдасининг талайгина улушини таъминлаш демакдир.

Дастлабки тендерни 2003 йилдаёқ ютиб чиққанмиз. Ўшанда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бизга икки ўринли парталар, шкаф ва столлар тайёрлашнинг мебел-созлик йўли билан бажариладиган ишларини топширди. Биз топшириқни муваффақиятли уддалаб, 150

миллион сўм ишлаб олдик. Келгусида тендер буюртмасини батамом қўлдан чиқариш, мебелни тўлиқ ўзимизда жамлаш учун металл конструкциялари цехини қуриш кераклиги ҳақида ўйлаб қолдик. Бу вазифанинг ҳам ечими топилди. Бу йил одатдагидек умумтаълим мактабларини таъминлаш юзасидан Халқ таълими вазирлиги эълон қилган тендер савдоларида иштирок этиш учун ариза бердик. Яқинда тендер ҳужжатларини очиб маросимни бўлди. Июнь ойининг бошларида тахминан икки миллиард сўмлик мактаб ускуналарини таъминлаш учун шартнома имзоладик.

Мебель бозоридagi бошқа йўналишлар ҳақида шуни айтиш керакки, бугунги кунда вазият бир неча йил аввалгисидан фарқ қилади. Ўша кезлари истеъмолчилар озми-кўпми бежирим ва дурустроқ мебелни олишга тайёр эдилар, аммо эндиликда бозор маҳсулот билан тикилиб кетган, истеъмолчи учун курашишга тўғри келади. Танлайдиган нарса кўп бўлгач, харидор ҳам аввало сифатга қарайдиган бўлиб қолди. Мебель компаниялари томонидан кўплаб кредитлар берилаётганлиги истеъмолчилар учун кураш белгиларидан биридир. Ишлаб чиқарувчилар маҳсулотни ўтказиш учун ҳақ тўлашишни кутишга ҳам рози бўлмоқдалар. Маҳсулот оморда қолиб кетмаса бас.

"ОТАВЕК" МЧЖ ФАОЛИЯТИ РАҚАМЛАРДА

Бугунги кунда корхона мактаб, идора, ишлаб чиқариш, спорт ва уй мебелларининг юздан ортиқ турини ишлаб чиқармоқда. Чиқарилаётган барча товарларга Стандартлаштириш ва метрология марказининг сифат сертификатлари, шунингдек Соғлиқни сақлаш вазирлигининг гигиена сертификатлари олинган.

Бугунги кунда корхонанинг асосий буюртмачилари Халқ таълими вазирлиги, ўрта махсус ва касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вилоят ҳокимликлари хузуридаги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниялари ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидир.

Корхонада иш ҳақидан ходимлар мамнун. Бундан ташқари олтитала цехнинг ходимлари корхона ҳисобидан овқат билан таъминланади. Улар компания ажратган транспортда ишга олиб келинади ва ишдан уйларига олиб бориб қўйилади.

● 2004 йилда корхона "Самарқанд вилоятининг энг сифатли маҳсулоти"ни ишлаб чиқарувчи сифатида Стандартлаштириш ва метрология хизматининг дипломини олди.

● 2005 йилда корхона "Ташаббус" республика кўрик-танловида вилоятда биринчи ўринни эгаллади. Яқунловчи босқичда эса совриндор бўлди ҳамда "Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ҳомийлик қилувчи энг яхши тадбиркор" дипломини олди.

● 2007 йилда корхона вилоятнинг энг яхши солиқ тўловчиси сифатида тақдирланди.

Шу йилнинг ўзида корхона бўш иш жойлари ярмаркаси доирасида Самарқанд туманида... бўлди.

● 2008 йилда корхона "Tashabbus" республика кўрик-танловида вилоят даражасида биринчи ўринга кўтарилди, яқунловчи босқичда совриндор бўлди ҳамда "Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва замонавий технологияларни жорий этишдаги фаол иштироки учун" дипломини олди.

Эльвира ЯГУДИНОВА,
"СБХ" мухбири.

БАРЧА ҲУЖЖАТЛАР "БИР ДАРЧА" ДАН

Яқин йилларда Москвада "бир дарча" тамойили бўйича аҳолига ва ташкилотларга хизмат кўрсатишнинг округ ва туман марказларини тузиш режалаштирилмоқда. Турли ҳужжатлар ва маълумотномаларни тайёрлаш ва бериш жараёнини тезлаштириш ҳамда соддалаштиришга имконият яратилади.

ЯНГИ "ДАРЧА"НИ ОЧИБ

Бугунги кунда юридик аҳамиятга эга ҳаракатларнинг ҳеч бирини турли давлат тузилмаларидан ҳужжатларни олмасдан амалга ошириб бўлмайди. Мазкур жараёни соддалаштириб, Москва ҳукумати сўнги тўрт йил ичида "бир дарчадан" тизими бўйича ташкилотлар ва аҳолига хизмат кўрсатишни фаол жорий қилди. Натижада шаҳарда 630 га яқин шундай хизматлар ташкил қилинди. Уларнинг бир неча йиллик амалиёти тезкор ечимни талаб қиладиган қатор муаммоларни аниқлади.

"Бир дарча" хизматлари тўқнаш келган асосий қийинчилик - ҳужжатларни тайёрлаш ва бериш бўйича давлат хизматларини тақдим этиш намунавий стандартларининг мавжуд эмаслиги. Маъмурий ислохот концепциясига мувофиқ уларни ишлаб чиқиш федерал органларнинг хос ҳуқуқи ҳисобланади. Ҳозирча стандартлар ишлаб чиқилмаган, пойтахт ҳукумати ҳужжатларни бериш шартларини мустақил равишда тартибга солишга ҳаракат қилмоқда.

"Бир дарча" хизматларининг кўпчилиги кичик хоналарда жойлашган, бу эса ходимларга ҳам, ташрифчиларга ҳам ноқулайлик туғдиради. Бунинг натижаси - ҳужжатларни топшириш чоғидаги катта навбатлардир. Майдонларнинг етишмовчилиги туфайли амалдорлар ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ қўшимча хизматлар кўрсата олмайдилар. Бундан ташқари, "бир дарча" хизматлари ишини уларнинг худудий тарқоқлиги ва бирлашмаганлиги анча қийинлаштиради. Уларнинг кўпчилигига жамоат транспортда етиб бориш ноқулайдир.

ТУРЛИ РЕЖАЛИ ЭКСПЕРИМЕНТЛАР

Буларнинг барчаси пойтахт ҳукуматини шаҳарда ҳужжатлар ва маълумотномаларни тақдим этиш концепциясини ўзгартиришга мажбур қилди. Юзага келган вазиятни таҳлил қилиб, улар кўп сонли "бир дарча" хизматлари ўрнига Аҳоли ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш марказлари деб номланувчи хизматларни тузишга қарор қилишди. Асосий янгилик бўлиб Москванинг маъмурий бўлинишига мувофиқ уларнинг жойлашуви ҳисобланади: 10 та округ ва 123 та туман муассасалари барпо этилди.

Ўтган йилнинг март-сентябрь ойларида шаҳарда бир вақтнинг ўзида янги марказларни жорий қилиш бўйича учта эксперимент ўтказилди. Бунда экспериментал чизмаларнинг ҳар бири турли сценарийлар асосида ўтказилди.

Хусусан, Рязань тумани бошқармасида жойлашган Хизмат кўрсатиш марказида Уй-жой сиёсати ва турар жой фонди департаменти, паспорт столи, туман БТИлари, Москва тураржой инспекцияси, Тураржой субсидиялари маркази ҳамда бошқа айрим идоралар каби ҳукумат органлари жамланган. Мазкур идоралар вакиллари ягона операция залда ташрифчиларга хизмат кўрсатишди. Бундан ташқари, эксперимент доирасида фуқаролар учун қўшимча хизматлар ҳам ташкил қилинди: бепул компьютер ва Интернет, экспресс-тўловлар, юристлар, нотариус маслаҳати.

Зеленоградда яна бир экспериментал марказ тизилди. Мазкур лойиҳа доирасида call-марказ ҳам тизилди. Унинг ходимлари ҳужжатларни олгандан кейин юзага келадиган барча масалалар бўйича аҳолидан бўлган қўнғироқларни қабул қилишди. Бундан ташқари, керакли идора вакили билан қўнғироқлашиш учун тезкор алоқа имконияти ҳам назарда тутилган. Бу эса қондирилмаган сўровлар ҳиссасини сезиларли даражада камайтиришга имкон берди.

Учинчи Хизмат кўрсатиш маркази - Жануби-Ғарбий префектура базасида бўлиб, давлат тузилмаларининг ташкилотлар билан ишлаши учун махсус тизилган. Эксперимент доирасида Мол-мулк департаменти, Ер ресурслари департаменти, Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш департаменти ва ривожланиш ходимлари, шунингдек префектура ходимлари томонидан тадбиркорларни қабул қилиш йўлга қўйилган. Бироқ амалиётнинг кўрсатишича, охириги Марказда идора вакиллари хузурига тадбиркорларнинг ташрифи етарлича фаол бўлмади. Гап шундаки, префектурадаги "бир дарча" хизматини тақдим этаётган

Хорижий тажриба



мутахассислар тўлиқ тайёргарлик кўрмаганлиги муаммоси юзага келди. Ташрифчилар учун бевосита айнан тузилманинг ўзига мурожаат қилиш қулай ва тезроқ бўлди.

Ҳаммаси бўлиб экспериментда уч майдонда 100 минг кишидан ортиқ иштирокчи қатнашди. Уни ўтказишдаги қийинчиликларга қарамай, экспериментнинг 92 фоиз иштирокчиси сўров чоғида марказлар тизimini бутун Москва бўйлаб ривожлантириш тарафдори бўлишди.

ҲАММА ГАП ТАМОЙИЛЛАРДА

Пойтахт ҳукумати Аҳоли ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш марказларини ривожлантириш концепциясини тасдиқлади. Ҳужжатга мувофиқ танлов асосида аниқланган ташкилот лойиҳа ишлаб чиқувчиси бўлади. Хизмат кўрсатиш марказларини ривожлантириш дастури бир неча базавий тамойилларга мувофиқ келиши лозим. Аввало ҳужжатларни бериш бўйича хизматларни тақдим этишнинг "дастлабки қадами" мақбулчилиги таъминлаш керак. Эҳтимол, туман муассасалари, Хизмат кўрсатиш марказлари аввало, аҳолига хизмат кўрсатишга, округники эса - ташкилотлар кузатувига йўналтирилади.

Иккинчи тамойил "бир дарча"дан хизматлари ишини марказлаштиришга йўналтирилган. Унинг доирасида фуқаролар ва тадбиркорлар учун "бир дарча" гоёси амалга оширилиши лозим. Бугунги кунда экспериментал майдонларда ҳужжатларни топшириш бўйича давлат хизматларини тақдим этишни бирхиллаштириш ва унификациялаш тамойили йўлга қўйилган.

Хизмат кўрсатиш марказлари доирасида юқори даражадаги қўшимча хизматлар - учинчи тамойил, лойиҳа унга мувофиқ келиши керак. Маслаҳатлар, ҳуқуқий ва маълумотнома-ахборот кўмагини фаол ривожлантириш лозим. Бундан ташқари, Хизмат кўрсатиш марказлари бир талай техник сервислар, имтиёзли нусха кўчириш, банк хизматлари, тўлов терминаллари, шунингдек қабул учун электрон ёзув имкониятини тақдим этади.

Пойтахтда Хизмат кўрсатиш марказларини ривожлантириш дастурининг рўёбга чиқарилиши ҳужжатларни тайёрлаш муддатларини қисқартиришга имконият яратади. Хизмат кўрсатиш марказларида бошқарув жараёнлари автоматлаштирилади ва замонавий ахборий технологиялар жорий қилинади.

Хизмат кўрсатиш марказлари тизимининг бешинчи тамойили ҳужжатларни қабул қилиш ва топшириш амалга ошириладиган ҳукумат ижроия органлари бўлиналарининг худудий бўлиниши лозимлигидадир. Бундан ташқари, ҳужжатларни келиши ва бериш бўйича бевосита қарор қабул қилинадиган муассасаларни бири-бирдан ажратиш керак. Айтиб ўтилган тамойилнинг амалга оширилиши коррупцияга йўл қўймасликка имконият яратади. Шунингдек у ҳужжатларни бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишда воситачилар бозорини тугатишга йўналтирилган.

Режаларга мувофиқ Хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилиши биланок ҳозирда амал қиладиган "бир дарча" хизматлари ўз фаолиятини тўхтатиши лозим. 2008-2010 йилларда амалга ошириш мўлжалланган шаҳарни янги хизматлар билан таъминлаш дастурининг қиймати шаҳарга 6-8 млрд рублга тушса керак.

Хорижий матбуот материалларидан.

2008 йилнинг июль ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ

ҲИСОБ-КИТОБИ

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
$(6 \times 139\,350) = 836\,100$ сўмгача	Даромад суммасининг 13 фоизи
$836\,101$ сўмдан ($10 \times 139\,350$) = $1\,393\,500$ сўмгача	$108\,693$ сўм + $836\,100$ сўмдан ортиқ сумманинг 18 фоизи
$1\,393\,501$ сўм ва ундан юқори	$209\,025$ сўм + $1\,393\,500$ сўмдан ортиқ сумманинг 25 фоизи

Президентнинг 2007 йил 23 октябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида" ПФ-3931-сон Фармонида биноан энг кам иш ҳақи миқдори ойига $18\,630$ сўм этиб белгиланган. 2008 йил 1 апрелдан бошлаб Президентнинг 2008 йил 5 мартдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида" ПФ-3972-сон Фармонида биноан у $20\,865$ сўмгача оширилди. Январь-июль ойлари учун энг кам иш ҳақининг жами миқдори $139\,350$ сўмни ($18\,630 + 18\,630 + 18\,630 + 20\,865 + 20\,865 + 20\,865 + 20\,865$) ташкил қилади.

I МИСОЛ. Корхона ходими июль ойи учун $112\,000$ сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-июль ойлари учун жами даромади $748\,000$ сўмни ($100\,000 + 100\,000 + 100\,000 + 112\,000 + 112\,000 + 112\,000$) ташкил этади. Январь-июнь ойларида ушланган солиқ суммаси $82\,680$ сўмга тенг.

Унинг июль ойидаги иш ҳақидан даромад солиғи куйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-июль ойлари учун солиқ суммаси аниқланади ($748\,000$ сўм даромаддан):

Ходимнинг даромади энг кам иш ҳақининг 6 баравари – $836\,100$ сўм ($139\,350 \times 6$)дан ошмаслиги сабабли, унга 13%ли ставка бўйича солиқ солинади:

$$748\,000 \times 13\% = 97\,240 \text{ сўм.}$$

2. Июль ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$97\,240 - 82\,680 = 14\,560 \text{ сўм.}$$

3. 2008 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромади) солиқ солинадиган суммасининг 1%и миқдоридан белгиланган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида" 595-сон қарорининг 2-банди). Январь-июль ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан мажбурий ушланмалар суммаси $7\,480$ сўмни ($748\,000 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-июнь ойларида $6\,360$ сўм ушлаб қолинган, июль ойида $1\,120$ сўм ($7\,480 - 6\,360$) ушланиши лозим.

4. Июль ойи учун бюджетга $13\,440$ сўм ($14\,560 - 1\,120$) даромад солиғи ўтказилади.

5. 2008 йилда фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий сугурта бадаллари ставкаси ходимнинг бадаллар ҳисобланадиган иш ҳақи (даромади)нинг 2,5%и миқдоридан белгиланган (Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида" ПҚ-744-сон қарорининг 3-банди). Июль ойи учун мажбурий сугурта бадаллари ажратмаси ходимнинг барча иш ҳақи суммаси – $112\,000$ сўмдан ундирилади. Ажратма суммаси $2\,800$ сўмни ($112\,000 \times 2,5\%$) ташкил этади.

6. Солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмалар ушлаб қолингандан кейин июль ойи учун иш ҳақи суммаси:

$$112\,000 - 14\,560 - 2\,800 = 94\,640 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

II МИСОЛ. Корхона ходими июль ойи учун $225\,000$ сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-июль ойлари учун жами даромади $1\,500\,000$ сўмни ($200\,000 + 200\,000 + 200\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 225\,000$) ташкил этади. Январь-июнь ойларида $200\,265$ сўм солиқ ушланган.

Унинг июль ойидаги даромадидан солиқ куйидаги тартибда ушланади:

1. Январь-июль ойлари учун солиқ суммаси аниқланади ($1\,500\,000$ сўм даромаддан):

$$209\,025 + (1\,500\,000 - 1\,393\,500) \times 25\% = 235\,650 \text{ сўм.}$$

2. Июль ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$235\,650 - 200\,265 = 35\,385 \text{ сўм.}$$

3. Январь-июль ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан мажбурий ушланмалар суммаси $15\,000$ сўмни ($1\,500\,000 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-июнь ойларида $12\,750$ сўм ушлаб қолинган, июль ойида $2\,250$ сўм ($15\,000 - 12\,750$) ушланиши лозим.

4. Июль ойи учун бюджетга $33\,135$ сўм ($35\,385 - 2\,250$) даромад солиғи ўтказилади.

III МИСОЛ. Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган корхона ходими (масалан, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб бориладиган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йилларида қақрилган ҳарбий хизматта мажбурлар) июль ойи учун $225\,000$ сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Унинг январь-июль ойлари учун жами даромади $1\,500\,000$ сўмни ($200\,000 + 200\,000 + 200\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 225\,000$) ташкил этади. Январь-июнь ойларида ушлаб қолинган солиқ суммаси $108\,645,3$ сўмни ташкил этди.

Солиқ кодекси 180-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг жами даромадидан ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорининг 4 бараварига тенг даромад суммаси чиқариб ташланишини ҳисобга олганда, унинг январь-июль ойлари учун солиқ солинадиган жами даромади куйидагини ташкил этади: $4 \times 139\,350 = 557\,400$ сўм.

Унинг иш ҳақидан даромад солиғи куйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад аниқланади:

$$1\,500\,000 - 557\,400 = 942\,600 \text{ сўм.}$$

2. Январь-июль ойлари учун солиқ суммаси аниқланади ($942\,600$ сўм даромаддан):

$$108\,693 + (942\,600 - 836\,100) \times 18\% = 127\,863 \text{ сўм.}$$

3. Июль ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$127\,863 - 108\,645 = 19\,217,7 \text{ сўм.}$$

4. Январь-июль ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан мажбурий ушланмалар суммаси $9\,426$ сўмни ($942\,600 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-июнь ойларида $8\,010,6$ сўм ушлаб қолинган, июль ойида $1\,415,4$ сўм ($9\,426 - 8\,010,6$) ушланиши лозим.

5. Июль ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси $17\,802,3$ сўмга ($19\,217,7 - 1\,415,4$) тенг.

IV МИСОЛ. Ходимга июль ойи учун $225\,000$ сўм миқдоридан иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати $50\,000$ сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган. Май ойида муҳим шахсий воқеа муносабати билан унга $400\,000$ сўм миқдоридан моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИХнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қиймати, яъни мазкур ҳолатда $18\,630 \times 6 = 111\,780$ сўмга солиқ солинмайди.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида энг кам иш ҳақининг 12 баравари миқдоригача кўрсатиладиган моддий ёрдам суммасига, яъни мазкур ҳолатда $20\,865 \times 12 = 250\,380$ сўмга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

Ходимнинг январь-июль ойларидаги жами даромади $1\,950\,000$ сўмни ($200\,000 + 50\,000 + 200\,000 + 200\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 400\,000 + 225\,000 + 225\,000$) ташкил этади. Январь-июнь ойларида $237\,670$ сўм солиқ ушланган.

Солиқ куйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад:

$$1\,950\,000 - (50\,000 + 250\,380) = 1\,649\,620 \text{ сўмга тенг.}$$

2. Январь-июль ойлари учун солиқ суммаси аниқланади ($1\,649\,620$ сўм даромаддан):

$$209\,025 + (1\,649\,620 - 1\,393\,500) \times 25\% = 237\,055 \text{ сўм.}$$

3. Июль ойи учун ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$237\,055 - 237\,670 = 35\,385 \text{ сўм.}$$

4. Январь-июль ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан мажбурий ушланмалар суммаси $16\,496,2$ сўмни ($1\,649\,620 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-июнь ойларида $14\,246,2$ сўм ушлаб қолинган, июль ойида $2\,250$ сўм ($16\,496,2 - 14\,246,2$) ушланиши лозим.

5. Июль ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси $33\,135$ сўмга ($35\,385 - 2\,250$) тенг.

V МИСОЛ. Ходимга июль ойи учун $225\,000$ сўм миқдоридан иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Юбилей санаси муносабати билан январь ойида унга қиймати $150\,000$ сўм бўлган қимматбаҳо совға берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 14-бандига кўра юридик шахслардан олинган, солиқ даврининг охиридаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, бир йил мобайнидаги ЭКИХнинг олти баравари миқдоригача бўлган суммадаги совғаларнинг қиймати, яъни мазкур ҳолатда $18\,630 \times 6 = 111\,780$ сўмга солиқ солинмайди.

Ходимнинг январь-июль ойларидаги жами даромади $1\,650\,000$ сўмни ($200\,000 + 150\,000 + 200\,000 + 200\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 225\,000$) ташкил этади. Январь-июнь ойлари учун $209\,820$ сўм солиқ ушланган.

Солиқ куйидаги тартибда ушланади:

1. Солиқ солинадиган даромад:

$$1\,650\,000 - 111\,780 = 1\,538\,220 \text{ сўмга тенг.}$$

2. Январь-июль ойлари учун солиқ суммаси аниқланади ($1\,538\,220$ сўм даромаддан):

$$209\,025 + (1\,538\,220 - 1\,393\,500) \times 25\% = 245\,205 \text{ сўм.}$$

3. Июль ойидаги даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$245\,205 - 209\,820 = 35\,385 \text{ сўм.}$$

4. Январь-июль ойлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан мажбурий ушланмалар суммаси $15\,382,2$ сўмни ($1\,538\,220 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-июнь ойларида $13\,132,2$ сўм ушлаб қолинган, июль ойида $2\,250$ сўм ($15\,382,2 - 13\,132,2$) ушланиши лозим.

5. Июль ойи учун бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммаси $33\,135$ сўмга ($35\,385 - 2\,250$) тенг.

VI МИСОЛ. Ходимга июль ойи учун $225\,000$ сўм миқдоридан иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан аризасига биноан унга январь ойида $250\,000$ сўм миқдоридан моддий ёрдам берилган. Оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан июль ойида $350\,000$ сўм миқдоридан моддий ёрдам берилди.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра куйидаги моддий ёрдам суммалари жисмоний шахсларнинг солиқ соли-

надиган даромадига киритилмайди:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдоридан;

бошқа ҳолатларда - энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдоридан.

Ходимнинг январь-июль ойлари учун жами даромади $2\,100\,000$ сўмни ($200\,000 + 250\,000 + 200\,000 + 200\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 350\,000 + 225\,000$) ташкил этади. Январь-июнь ойлари учун $206\,875$ сўм солиқ ушланган.

Солиқ куйидаги тартибда ушланади:

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:

$$18\,630 \times 12 = 223\,560 \text{ сўм.}$$

2. $20\,865 \times 20 = 417\,300$ сўм. Ходимнинг оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан тўланган $350\,000$ сўм миқдоридан моддий ёрдам суммаси имтиёзли миқдордан ошмаслиги сабабли, солиқ солинадиган даромаддан барча суммани чиқариб ташлаймиз.

2. Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:

$$2\,100\,000 - 223\,560 - 350\,000 = 1\,526\,440 \text{ сўм.}$$

3. Январь-июль ойлари учун солиқ суммасини аниқлаймиз ($1\,526\,440$ сўм даромаддан):

$$209\,025 + (1\,526\,440 - 1\,393\,500) \times 25\% = 242\,260 \text{ сўм.}$$

4. Июль ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$242\,260 - 206\,875 = 35\,385 \text{ сўм.}$$

5. Январь-июль ойлари учун ШЖБПҲга солиқ солинадиган иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан мажбурий ушланмалар суммаси $15\,264,4$ сўмни ($1\,526\,440 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-июнь ойларида $13\,014,4$ сўм ушлаб қолинган, июль ойида $2\,250$ сўм ($15\,264,4 - 13\,014,4$) ушланиши лозим.

6. Июль ойи учун бюджетга $33\,135$ сўм ($35\,385 - 2\,250$) даромад солиғи ўтказилади.

VII МИСОЛ. Ходимга июль ойи учун $225\,000$ сўм миқдоридан иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Оилавий шароити оғирлашгани муносабати билан унинг аризасига биноан апрель ойида унга $300\,000$ сўм миқдоридан моддий ёрдам берилган.

Солиқ кодекси 179-моддасининг 1-бандига кўра бир йил давомида 12 ЭКИХ миқдоригача моддий ёрдам суммаси жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайди.

Ходимнинг январь-июль ойлари учун жами даромади $1\,800\,000$ сўмни ($200\,000 + 200\,000 + 200\,000 + 225\,000 + 300\,000 + 225\,000 + 225\,000 + 225\,000$) ташкил этади. Январь-июнь ойларида $212\,670$ сўм солиқ ушланган.

1. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмайдиган моддий ёрдам суммасини аниқлаймиз:

$$20\,865 \times 12 = 250\,380 \text{ сўм.}$$

2. Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:

$$1\,800\,000 - 250\,380 = 1\,549\,620 \text{ сўм.}$$

3. Январь-июль ойлари учун солиқ суммасини аниқлаймиз ($1\,549\,620$ сўм даромаддан):

$$209\,025 + (1\,549\,620 - 1\,393\,500) \times 25\% = 248\,055 \text{ сўм.}$$

4. Июль ойи учун даромадлардан ушланиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади:

$$248\,055 - 212\,670 = 35\,385 \text{ сўм.}$$

5. Январь-июль ойлари учун ШЖБПҲга иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан мажбурий ушланмалар суммаси $15\,496,2$ сўмни ($1\,549\,620 \times 1\%$) ташкил этади. Январь-июнь ойларида $13\,246,2$ сўм ушлаб қолинган, июль ойида $2\,250$ сўм ($15\,496,2 - 13\,246,2$) ушланиши лозим.

6. Июль ойи учун бюджетга $33\,135$ сўм ($35\,385 - 2\,250$) даромад солиғи ўтказилади.

VIII МИСОЛ. Корхона ходими июль ойи учун $225\,000$ сўм миқдоридан иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди.

Корхона раҳбарининг буйруғига биноан январь-июль ойлари учун унга хизмат сафарларида "Нексия" русумли шахсий автомобилдан белгиланган тартибда фойдаланганлик учун компенсация тўланди. Компенсациянинг ҳар ойлик миқдори ЭКИХнинг 5 бараварига тенг. Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджетдан молияланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортлардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида" қарори (1999 йил 2 апрелдаги 154-сон) 4-бандида ойлик компенсациянинг чегараланган миқдорлари белгиланган. "Нексия" русумли автомобиллар учун у энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 бараварига тенг.

Солиқ кодекси 174-моддасининг 11-бандига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари жумласига хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилдан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкдан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар киритилади.

Июль ойи учун $104\,325$ сўм ($20\,865 \times 5$) компенсация миқдори белгиланган чегараланган нормадан ошмайди. Январь-июль ойлари учун умумий компенсация суммаси $696\,750$ сўмдан ($93\,150 + 93\,150 + 93\,150 + 104\,325 + 104\,325 + 104\,325 + 104\,325$) иборат.

Январь-июль ойлари учун жами даромад $2\,196\,750$ сўмни ($200\,000 + 93\,150 + 200\,000 +$

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

• **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТ:**

- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Олиб чиқилладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРNING БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСINI ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан

2008 йил 5 майда 1803-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 19-сон, 166-модда)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 9 сентябрдаги 198-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37-38-сон, 389-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қилади:

*2008 йил 15 майдан кучга киради.

1. Олиб чиқилладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Давлат божхона
қўмитаси раиси
С.НОСИРОВ.

Тошкент ш.,
2008 йил 21 апрель
01-02/19-34-сон.

Давлат божхона қўмитасининг
2008 йил 21 апрелдаги 01-02/19-34-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРNING БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСINI ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 9 сентябрдаги 198-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37-38-сон, 389-модда) мувофиқ олиб чиқилаётган товарларнинг божхона қиймати декларациясини (бундан кейин БҚД деб юритилади) тўлдириш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Олиб чиқилладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш, божхона тўловларини ҳисоблаш, декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматини назорат қилиш ва божхона органлари томонидан божхона статистикасини юритиш мақсадида қўлланилади.

2. Товарни экспортга сотишда унинг «ДАФ — Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси» (DAF — «delivered at frontier») шартларига келтирилган қиймати олиб чиқилаётган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

3. БҚД тегишли божхона юк декларациясининг (бундан кейин БЮД деб юритилади) иловаси бўлиб, усиз ҳақиқий ҳисобланмайди. БҚД ушбу Йўриқноманинг 5-бандида келтирилган ҳолатлардан ташқари Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилаётган барча

товарлар учун тўлдирилади ва товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга ошираётган божхона органига БЮД билан бир вақтда тақдим этилади.

II. БҚД ВА УНИ ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ

4. БҚД олти нусхада тўлдирилиб, булардан:
а) биринчи нусха — божхона органи ҳужжатларида сақланади;

б) иккинчи нусха — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси статистик ҳисоботи учун;

в) учинчи нусха — декларантга қайтариб берилади;

г) тўртинчи нусха — божхона тўловлари ҳисоботини юритувчи божхона органи учун;

д) бешинчи нусха — товарларни олиб чиқишда товар чок ҳужжатлари билан бирга товар қабул қилувчи давлатга юборилади;

е) олтинчи нусха — товар экспорт қилувчи учун.

5. БҚД қуйидаги ҳолатларда тўлдирилмайди:
олиб чиқилаётган товарлар тўпламининг божхона қиймати 1000 АҚШ доллариға тенг қийматдан ошмаса (тижорат мақсадида олиб чиқилаётган товарлар бундан мустасно);

жисмоний шахслар томонидан уларнинг яшаш жойи ўзгарган тақдирда шахсий (хўжалик) мол-мулклари ҳисобланган товарлар олиб чиқилганда (шахснинг олдинги яшаш жойидан ҳисобдан чиқарилганлигини тасдиқловчи белги мавжуд бўлганда);

узоқ муддатли хизмат сафарига кетаётган Ўзбеки-

стон Республикаси фуқароларининг шахсий мулклари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетаётган бошқа давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон Республикасига олиб кирган шахсий мулклари олиб чиқилганда;

тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган намуналар, реклама материаллари, гуманитар ёрдам шаклидаги товарлар ва бошқа товарлар олиб чиқилганда;

6. БҚД ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ БҚД-1 шаклида ёки Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ БҚД-2 шаклида тўлдирилади.

Олиб чиқиладиган товарнинг божхона қиймати қуйидаги асосларда белгиланаётган ҳолатларда БҚД-1 шакли тўлдирилади:

а) олиб чиқилаётган товарнинг олди-сотди битими қиймати бўйича;

б) олиб чиқилаётган товарнинг ишлаб чиқарилиши ва сотилиши билан боғлиқ харажатлар акс этган сотувчи-экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисоби маълумоти бўйича;

в) олиб чиқилаётган товарни балансга кирим қилиш ва чиқариш тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари бўйича.

Бошқа ҳолатларда БҚД БҚД-2 шаклида тўлдирилади.

7. БҚД-1 ва БҚД-2 шакллариининг ҳар бири 2 та асосий варақлардан иборат: биринчи (олд) ва божхона қиймати ва унинг элементлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатиладиган иккинчи варақ. БҚД-1 ва БҚД-2 шаклдаги декларациялар (асосий варақлар) биттадан учта тургача бўлган товарлар учун тўлдирилади. Учта турдан кўп товарлар учун қўшимча варақлардан фойдаланилади ва бу варақлар ҳам ўз навбатида биттадан учта тургача бўлган товарлар учун тўлдирилади.

БҚД-1 ва БҚД-2 шакл декларациясининг олд варағида кўрсатилган барча маълумотлар қўшимча варақларда кўрсатилган товарларга бутунлай тааллуқли бўлса, қўшимча варақлардан фойдаланиш мумкин. Қўшимча варақлар сифатида БҚД-1 ва БҚД-2 шакллариининг иккинчи варақларидан фойдаланилади.

8. БҚД ва унинг қўшимча варақлари компьютер ёки ёзув машинасида давлат ёхуд рус тилларида тўлдирилади.

9. БҚД ёки қўшимча варақларда ўчириб тўғрилаш ва устидан тузатишлар бўлмаслиги лозим. Декларант томонидан киритилган барча тузатишлар фақат декларант томонидан ёзувларни ўчириш ва керакли маълумотларни кўк ёки қора шарикли ручка билан устидан ёзиш орқали амалга оширилади. Ҳар қандай тузатишлар декларант жисмоний шахс бўлса, унинг имзоси билан, декларант юридик шахс бўлса, масъул ходимининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Тушунарсиз ҳолда, тузатишлар ва декларант томонидан тасдиқланмаган ўзгартиришлар билан тўлдирилган БҚД божхона органлари томонидан қабул қилинмайди. БҚДнинг (БҚД-1 ва БҚД-2 шакллари) ҳар бир варағи декларантнинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

§ 1. БҚД-1 шаклини тўлдириш тартиби

10. Декларант томонидан қуйидаги устунлар тўлдирилади: 1(а), 1(б), 2, 3, 4(а), 4(б), 5, 6(а), 6(б), 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13(а), 13(б), 13(в), 14, 15(а), 15(б), 15(в), 16(а), 16(б), 16(в), 16(г), 17, 18, 19(а), 19(б), 19(в), 19(г), 19(д), 19(е), 19(ж), 19(з), 20, 21, 22, 23, 24.

11. 1(а)-«Сотувчи» устунида экспорт қилувчининг номи ва юридик манзили кўрсатилади. Агар товар жўнатувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти

бўлса, корхона ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи бўйича коди (КТУТ) (юридик шахслар учун) ёки солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР) (жисмоний шахслар учун) кўрсатилиши лозим.

1(б)-«Декларант» устунида товарни декларацияловчи ва тақдим этувчи юридик шахснинг номи, почта манзили ҳамда КТУТ бўйича коди ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи, почта манзили ва СТИР кўрсатилади. Агар сотувчи декларант бўлса, 1(б)-устунга «1(а)-устунига қаранг» ёзуви билан ҳавола қилинади.

2-«Сотиб олувчи» устунида товарни сотиб олувчи импорт қилувчининг номи (фамилияси, исми, шарифи) ва почта манзили кўрсатилади.

3-«Етказиб бериш шarti» устунида товар етказиб бериш шартининг ҳарфларда қисқартирилган номи (Инкотермс 2000 асосида) ва географик жой номи кўрсатилади. Масалан: DAF — Сарағоч станцияси ва ҳ.к.

4(а)-«Ҳисоб-фактура ёки бошқа ҳужжатнинг рақами ва санаси» устунида товар олиб чиқиш учун асос бўлган ҳисоб-фактура (инвойс) ёки бошқа ҳужжатнинг рақами ва санаси кўрсатилади.

4(б)-«Шартнома рақами ва санаси» устунида товарни олиб чиқиш учун тузилган шартноманинг (битим, келишув), шунингдек, шартнома қўшимчасининг (агар шартнома қўшимчалари мавжуд бўлса) рақами ва санаси кўрсатилади.

5-«Қўшимча варақлар сони» устунида БҚД-1 шаклига илова қилинган қўшимча варақлар сони кўрсатилади.

6(а), 6(б), 7, 8, 9, 10-устунлардаги керакли жавоб «Х» белгиси («Ҳа» ёки «Йўқ») билан белгиланади.

8, 9, ва 10-устунларда агар жавоб «Ҳа» бўлса, батафсил ёритилади, яъни мазкур шартнинг мазмуни келтирилади.

11-«Декларация имзолаган шахс» устунида 1(б) устунда кўрсатилган шахслар номидан товарларни декларациялаш ваколотига эга бўлган шахс Ф.И.Ш, эгаллаб турган лавозими ва телефон рақами кўрсатилади.

12-«Жой ва сана» устунида БҚД-1 тўлдирилган жой ва сана кўрсатилади.

§ 2. БҚД-1 шаклининг қўшимча варағини тўлдириш тартиби

12. БҚД-1 шаклининг ҳар бир қўшимча варақларида учта тургача товарлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Ҳар бир қўшимча варақда унинг тартиб рақами ва БҚД-1 шаклининг рўйхатга олиш рақами кўрсатилади.

13. «Товар рақами» устунида БЮДнинг ёки унинг қўшимча варағининг айнан ўхшаш устунидаги тегишли товарнинг рақами ва ТИФ ТН коди кўрсатилади.

«Ҳисоб-китоб қилиш учун асос» А бўлимида товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун асос бўлган амалда тўланган ёки тўланиши керак бўлган нарх ҳақида маълумотлар келтирилади. Агар товарнинг етказиб бериш шarti (3-устун) ва шартноманинг бошқа шартларига асосан мазкур нархга қўшиш ёки айириш талаб этилмаса, кўрсатилган нарх олиб чиқиладиган товарнинг божхона қийматига тенг бўлиши мумкин. Бундай ҳолда божхона қийматини белгилаш ва назорат қилиш тақдим этилган ҳужжатлар асосида, зарур ҳолларда амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нархга тузатишлар киритиш (ўзаро боғлиқлик таъсири, шартлар ва чекловлар) орқали текшириш ва тасдиқлаш билан амалга оширилади. Бунда, А бўлимининг 14-устунидаги жами 24(а) устунида қайтарилди.

13(а)-«Товарнинг шартномада белгиланган валютадаги қиймати» устунида товарнинг сотувчига амалда

тўланган ёки тўланиши лозим бўлган шартномада белгиланган валютадаги қиймати кўрсатилади.

13(б)-«Сотувчи — экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар бўйича товарнинг қиймати» устунида олиб чиқиладиган товарни ишлаб чиқариш ва сотишда қилинган харажатларни акс эттирувчи сотувчи — экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисоби асосида белгиланган товарнинг қиймати кўрсатилади.

13(в)-«Бухгалтерия маълумотлари бўйича товарнинг қиймати» устунида олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарларни кирим қилиш ва балансдан чиқариш тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари асосида аниқланган товарнинг қиймати кўрсатилади. Айнан ёки ўхшаш товарларни аниқлашда «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19 ва 20-моддаларига амал қилиниши лозим.

14. «А бўлимда киритилмаган шартнома нархига қўшимча қўшишлар» Б бўлимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 сентябрдаги 198-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37-38-сон, 389-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 5-бандида кўрсатилган ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган (товар олиб чиқиш учун асос бўлган ташқи савдо шартномаси ва бошқа ҳужжат, юк-кузатув, ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатлар) шартнома нархига қўшишлар инобатга олинади.

14—18-устунлардаги барча маълумотлар сўмда келтирилади.

14-«Сотувчининг харажатлари» устунида 13(а), 13(б) ва 13(в) устунларида кўрсатилган товар нархига қўшилмаган сотувчининг харажатлари акс эттирилади.

14(а)-устунда агар олдиндан олди-сотди нархига сотувчи томонидан амалга оширилган воситачилик ва брокерлик тўловлари ва бошқа воситачилик хизматлари бўйича харажатлар киритилмаган бўлса, кўрсатилади. Агар БҚД-1 шакли бир тўплагма кирувчи бир неча номдаги товарлар учун тўлдирилса ва шартнома шу тўплагмадаги барча ёки бир неча товарларга тааллуқли бўлса, воситачилик, брокерлик ва бошқа воситачилик тўловлари 13(а), 13(б) ва 13(в) устунларида кўрсатилган ҳар бир номдаги товарлар ўртасида қиймати бўйича пропорционал равишда тақсимланади.

14(б)-устунда агар контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп марталаб ишлатиладиган тараларга товар номенклатурасига мувофиқ баҳоланаётган товар билан бир бутун сифатида қаралса, сотувчининг контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп марталаб ишлатиладиган тараларга қилган харажатлари кўрсатилади. Агар кўп марталаб ишлатиладиган таралардан фойдаланилса, унда бир неча бор товар етказиб беришда уларнинг нархи ҳар бир тўплагмадаги товарлар миқдорига пропорционал равишда тақсимланади. Тарага қилинган харажатларнинг пропорционал равишда тақсимланиши (яъни унинг қийматини қисмларга бўлиб ҳар бир тўплагма ўтказиш) шартномада ўз аксини топган ёки бирор бир ҳужжат билан тасдиқланган бўлса, божхона органи томонидан қабул қилинади. Тара учун қилинган харажатларга тарани сотувчига қайтариш билан боғлиқ бўлган алоҳида тўланадиган харажатлар киритилмайди.

14(в)-устунда сотувчининг жойлаш, шу жумладан жойлаш материаллари ва жойлаш ишлари билан боғлиқ бўлган харажатлари кўрсатилади.

15-устунда олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш ва/ёки экспортга сотиш учун сотиб олувчи бевосита ёки билвосита сотувчига бепул ёки пасайтирилган нарх бўйича кўрсатадиган хизматлар ва етказиб

берадиган товарлар қиймати ўз аксини топади.

15(а)-устунда хом ашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр фабрикатлар ҳамда олиб чиқиладиган товарнинг таркибий қисми ҳисобланадиган бошқа бутловчи қисмларнинг қиймати кўрсатилади. Сотувчи томонидан учинчи шахслардан уларни сотиб олишда тўланган нарх мазкур товарларнинг (хизматлар) қиймати ҳисобланади. Агар мазкур товарлар сотувчи ёки у билан боғлиқ шахс томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, сотувчининг тегишли бухгалтерия ҳужжатлари билан тасдиқланган ишлаб чиқариш қиймати уларнинг ишлаб чиқариш қиймати сифатида қабул қилинади. Агар сотиб олувчига сотувчи томонидан аввал ишлатилган товарлар тақдим этилса, уларнинг қиймати сотувчининг бухгалтерия маълумотлари асосида эскириш даражаси ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Агар сотувчи томонидан сотиб олувчига хом ашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр фабрикатлар ҳамда олиб чиқиладиган товарнинг таркибий қисми ҳисобланадиган бошқа бутловчи қисмларни қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш ва бошқа хизматлар кўрсатилган бўлса, мазкур хизматлар қиймати (божхона қийматини ҳисоблашда) уларни сотувчи томонидан ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган нархи эътиборга олинади.

15(б)-устунда олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган инструментлар, штамплар, шакллар ҳамда бошқа шу каби жиҳозлар қиймати кўрсатилади.

15(в)-устунда олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда сарфланган ёрдамчи материаллар қиймати кўрсатилади.

15(г)-устунда сотувчи томонидан сотиб олувчига муҳандислик ишланмалари, тажриба-конструкторлик ишлари, дизайн, бадий жиҳозлаш, олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш учун бевосита зарур бўлган эскизлар ва чизмалар борасида кўрсатган хизматлари қиймати кўрсатилади.

16-устунда сотиб олувчи олиб чиқиладиган товарларни харид қилиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита амалга оширилиши керак бўладиган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар.

17-устунда олиб чиқиладиган товарни кейинчалик бирон-бир тарзда қайта сотиш, тасарруф этиш ёки улардан фойдаланишдан олинган, товар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилгандан кейин сотувчига бевосита ёки билвосита тегишли бўладиган тушумларнинг исталган қисми қиймати эътиборга олинади.

18-«Товарни ... гача етказиб беришдаги харажатлар» устунида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлашда, товарни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидаги жойгача етказиб беришда амалда вужудга келадиган харажатлар инобатга олинади.

18(а)-устунда агар етказиб бериш шартига мувофиқ товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойгача бўлган транспортда ташиш харажатлари баҳоланаётган товар нархига қўшилмаган бўлса, улар кўрсатилади. Исталган турдаги транспорт воситалари орқали товарларни етказиб беришда, божхона қийматига юкни транспортда ташиш даврида амалда бўлган тегишли транспортда ташиш тарифлари асосида ҳисоблаб чиқилган маблағ қўшилади. Агарда мазкур транспорт воситасида юкни ташиш бўйича ягона тариф ҳақида маълумотлар мавжуд бўлмаса, транспорт харажатларини ҳисоблаб чиқаришда харажатларнинг зарур моддалари ва эле-

ментларидан иборат транспорт харажатларини калькуляция қилиш бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш лозим. Агар БҚД-1 бир неча турдаги товарлар учун тўлдирилса, олиб чиқиш жойига бўлган транспорт харажатлари уларнинг оғирлигига пропорционал равишда тақсимланади.

18(б)-устунда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойига амалга оширилган юклаш, тушириш, қайта юклаш ва ортиш-тушириш харажатлари баҳоланаётган товарнинг нархига қўшилмаган ва сотувчи томонидан алоҳида (қўшимча) тўланган бўлса, мазкур бандда ушбу харажатлар кўрсатилади. Агар БҚД-1 бир неча турдаги товарлар учун тўлдирилган бўлса, юклаш, тушириш, қайта юклаш ва ортиш-тушириш харажатлари товарларнинг оғирлигига пропорционал равишда тақсимланади.

18(в)-устунда юкни суғурта тўлови кўрсатилади.

18(г)-устунда сертификатлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича хизматлар қиймати кўрсатилади.

18(д)-устунда товарни сақлаш учун тўловлар кўрсатилади.

18(е)-устун товарлар қайта экспорт қилинганда тўлдирилади. Бу устунда илгари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб киришда тўланган божхона расмийлаштируви учун тўланган йиғимлар кўрсатилади.

18(ж)-устунда товарнинг қайта экспорт қилиниши сабабли қайтарилиши лозим бўлган тўловлар айирилган ҳолда божхона тўловлари суммаси кўрсатилади.

18(з)-устун товарлар қайта экспорт қилинганда тўлдирилади. Бу устунда бошқа харажатлар кўрсатилади.

19-«Сўмдаги жами» устунда 14(а), 14(б), 14(в), 15(а), 15(б), 15(в), 15(г), 16, 17, 18(а), 18(б), 18(в), 18(г), 18(д), 18(е), 18(ж), 18(з) - устунлардаги суммаларнинг жами кўрсатилади. Бунда, товарнинг баҳоланаётган нархига «А» бўлимда қўшилмаган ва божхона қийматига қўшилиши лозим бўлган қўшимча ҳисоблашлар ҳисобга олинади.

15. В «А бўлимнинг 2-устунда кўрсатилган қийматдан (сўмда) айриладиган суммалар» бўлимида агар ҳужжатлар (транспортда ташиш учун ҳисоб, транспорт харажатлари калькуляцияси ва бошқалар) билан тасдиқланган бўлса, шартнома нархидан товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан қайта олиб чиқилгандан кейин товарни мўлжал жойга етказиш билан боғлиқ амалга оширилган жами харажатлардан айирилиши лозим бўлган харажатлар кўрсатилиши мумкин.

20—23-устунлардаги барча маълумотлар сўмда кўрсатилади.

20-«..... дан кейинги ташиш харажатлари» устунда товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойидан мўлжал жойига бўлган ташиш харажатлари кўрсатилади. Мазкур устунда, ҳисоб-фактурасида алоҳида кўрсатилган ҳолда шартнома нархидан айириш мақсадида товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойидан мўлжал жойига бўлган ташиш харажатлари декларант томонидан келтирилиши мумкин.

Агар шартномада СІР (СИР), СРТ (СПТ), DDP (ДДП), DDU (ДДУ), СІФ (СИФ) етказиб бериш шартлари кўзда тутилган бўлса ва товарнинг фактура қийматига мўлжал жойига етказиб бериш харажатлари қўшилса, мазкур харажатларни шартнома нархидан ажратиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасида олиб чиқиш жойи ва шу жойдан мўлжал жойига бўлган транспорт харажатларини алоҳида ҳисобга олиш мақсадида харажатларни ҳисоб-фактурасида ёки шартноманинг тегишли шартида алоҳида келтириш лозим.

Товарнинг мўлжал жойига бўлган транспорт харажатлари бўйича ҳисоб-фактурасида харажатлар юқоридаги тартибда ажратиб кўрсатилмаган бўлса, божхона органига «чегарагача» бўлган харажат «мўлжал жойига» бўлган харажатдан анча пастлигини тасдиқловчи асосланган маълумотлар тақдим этилсагина, товарларни «олиб чиқиш жойидан мўлжал жойига» харажатлар ажратиб олиниши мумкин.

21-«Қайтарилиши лозим бўлган тўловлар» устунда товарлар қайта экспорт қилинаётганлиги сабабли қайтарилиши лозим бўлган тўловлар кўрсатилади.

22-«Сўмдаги жами» устунда 20 ва 21-устунларда кўрсатилган суммалар йиғиндиси келтирилади.

23(а)-устунда 13-устун + 19-устун - 22-устун тартибда ҳисобланган божхона қиймати сўмда кўрсатилади.

23(б)-устунда шартномада белгиланган валютада қайта ҳисобланган 23(а)-устунда кўрсатилган божхона қиймати кўрсатилади. Шартномада белгиланган валютада қайта ҳисоблаш А бўлимда кўрсатилган курс бўйича амалга оширилади. Агар шартнома бўйича ҳеч қандай ҳужжатда хорижий валюта тури кўрсатилмаган бўлса, 23(б) устунда маълумотлар АҚШ доллариди келтирилади.

24-«Декларация имзолаган шахс» устунда 1(б) устунда кўрсатилган корхона номидан товарларни декларациялаш ваколатига эга бўлган шахс Ф.И.Ш, эгаллаб турган лавозими ва телефон рақами кўрсатилади.

§ 3. БҚД-2 шаклини тўлдириш тартиби

16. Декларант 1(а), 1(б), 2, 3, 4(а), 4(б), 5, 6, 7, 8, 9, 10(а), 10(б), 10(в), 10(г), 10(д) ва 11-устунларни тўлдиради.

17. 1(а), 1(б), 2, 3, 4(а), 4(б) - устунлар ушбу йўриқнома талаблари асосида БҚД-1 шаклидаги декларациянинг тегишли устунларини тўлдириш тартиби бўйича тўлдирилади.

5-«Қўшимча варақлар сони» устунда БҚД-2 шаклига илова қилинган қўшимча варақлар сони кўрсатилади.

6-устунда божхона қийматини аниқлашга асос бўлган маълумот манбаси «Х» белгиси билан белгиланади.

7-устунда божхона органи томонидан 6-устунда белгиланган маълумотлар манбаси тавсифланади.

8-«Декларация имзолаган шахс» устунда 1(б) устунда кўрсатилган корхона номидан товарларни декларациялаш ваколатига эга бўлган шахс Ф.И.Ш, эгаллаб турган лавозими ва телефон рақами кўрсатилади.

9-«Жой ва сана» устунда БҚД-2 тўлдирилган жой ва сана кўрсатилади.

§ 4. БҚД-2 шаклининг қўшимча варағини тўлдириш тартиби

18. Ҳар бир варақда учтагача товарлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин. Ҳар бир қўшимча варақда унинг тартиб рақами ва БҚД-2 шаклининг рўйхатга олиш рақами кўрсатилади.

19. «Товар рақами» устунда БЮДнинг ёки унинг қўшимча варағининг айнан ўхшаш устундаги тегишли товарнинг рақами ва ТИФ ТН коди кўрсатилади.

10(а)-устунда олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарларнинг ташқи савдо шартномалари бўйича нархлари кўрсатилади.

10(б)-устунда олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарлар қиймати (таннархи) калькуляцияси бўйича нархлар кўрсатилади.

10(в)-устунда айнан ёки шунга ўхшаш товарлар учун нархларнинг биржа котировкалари бўйича нархлари кўрсатилади.

10(г)-устунда тегишли минтақавий бозорлардаги олиб

чиқилаётган товарлар бўйича нархлар кўрсатилади.

10(д)-устунда олиб чиқиладиган товарларнинг белгиланган тартибда амалга оширилган товар-қиймат экспортиси маълумотлари бўйича нархлар кўрсатилади.

11-«Декларация имзолаган шахс» устунда 1(б) устунда кўрсатилган корхона номидан товарларни декларациялаш ваколатига эга бўлган шахс Ф.И.Ш, эгаллаб турган лавозими ва телефон рақами кўрсатилади.

III. БОЖХОНА ОРГАНИ ТОМОНИДАН БҚДНИ ТЎЛДИРИШ ВА РЎЙХАТГА ОЛИШ

20. Божхона органлари томонидан БҚД шакли асосий ва қўшимча варақларининг «БЮДнинг рўйхатга олиш рақами» ва «божхона қайдлари учун» бандлари тўлдирилади. БҚД ҳар бир нусхасининг асосий ва қўшимча варақларидаги «божхона қайдлари учун» устунда БҚДнинг рўйхатга олиш рақами қўйилади, шунингдек, божхона қийматини назорат қилувчи мансабдор шахс декларацияни текшириши натижасида тегишли маълумотларни қайд этади, шахсий рақамли муҳри ва имзоси билан тасдиқлайди.

21. Божхона органи БҚДни БЮД билан бир вақтда рўйхатга олади. Бунда илова қилинган БҚДга БЮДнинг рўйхатга олиш рақами (99999 /99.99.99 /999999) кўчириб ёзилади. БҚД текшириб бўлингандан сўнг, унинг асосий ва қўшимча варақлари «хизмат қайдлари учун» бандига БҚДнинг рўйхатга олиш рақами қўйилади ва БҚД текширувини амалга оширган инспекторнинг имзоси ва шахсий рақамли муҳри билан тасдиқланади. Олд варағида божхона органининг белгиланган божхона қиймати бўйича қарори ва товарни декларант фойдала-

нишига тақдим этиш шакли тўғрисида ёзиб қўйилади.

22. Божхона қиймати декларацияси тўғри тўлдирилган, божхона қийматини аниқлаш усули декларант томонидан қўлланилган ва маълумотлар ўрнатилган тартибда ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда, БҚД ҳар бир варағининг «божхона қайдлари учун» бандига «божхона қиймати қабул қилинди» белгиси қўйилади ва БҚДни қабул қилган мансабдор шахснинг имзоси ва шахсий рақамли муҳри билан тасдиқланади.

23. БҚДнинг асосий ва қўшимча варақларининг бирор-бир устунда декларант томонидан кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар учун етарли жой бўлмаса, ушбу маълумотлар БҚДнинг асосий ва қўшимча варақлари орқа томонига тегишли устун кўрсатилган ҳолда қўшимча равишда ёзилишига рухсат этилади. Бундай ёзув декларантнинг имзоси билан тасдиқланади ва БҚДнинг тегишли устунларида «варақ орқасида» ёзуви кўрсатилади.

IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

24. Божхона қийматини кўрсатишда декларант томонидан тақдим этиладиган ва унинг томонидан тижорат сирини ёки махфий деб белгиланган ахборотдан божхона органи томонидан фақат божхона мақсадлари учун фойдаланилади ва декларантнинг рухсатсиз уларнинг учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

25. Тижорат сирини ёки махфий ҳисобланган ахборотни ошкор қилганлик учун божхона органи ва унинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномага 1-ИЛОВА

Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясининг БҚД-1 шакли

ТИПОГРАФИК рақам			
ЎЗБЕКИСТОН - UZBEKISTAN			
ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ			
Божхона учун нусха	АСОСИЙ ВАРАҚ	БҚД-1 ШАКЛИ	
	1(а). Сотувчи	КТУТ / СТИР	БЮД рўйхатга олиш рақами
	1(б). Декларант	КТУТ / СТИР	Божхона қайдлари учун
	2. Сотиб олувчи		3. Етказиб бериш шarti
Керакли жавоб Х белгиси билан белгиланади		4(а). Товар олиб чиқишга асос бўлган ҳисоб-фактура ёки бошқа ҳужжатнинг рақами ва санаси	
6(а). Харидор ва сотувчи бир-бирига боғлиқ шахсларми? __ Ҳа __ Йўқ		4(б). Шартноманинг рақами ва санаси (шартнома мавжуд бўлса)	
6(б). Бундай ўзаро боғлиқлик битим қийматига таъсир этганми? __ Ҳа __ Йўқ		5. БҚД-1 шаклига илова қилинган қўшимча варақлар сони	
7. Харидорнинг товарларни тасарруф этиши ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқига тааллуқли чекловлар мавжудми? (қонун ҳужжатларида белгиланган ёки товар қийматига жиддий таъсир кўрсатувчи чекловлар бундан мустасно) __ Ҳа __ Йўқ			
8. Товарни сотиш ва битим қиймати таъсирини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган шартларга риоя этилишига боғлиқ ҳолатлар мавжудми? __ Ҳа __ Йўқ			
Агар «Ҳа» бўлса, тафсилотларни кўрсатинг.			

9. Сотиб олувчи олиб чиқиладиган товарларни харид қилиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита амалга оширилиши керак бўладиган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар мавжудми? Ҳа Йўқ

Агар «Ҳа» бўлса, тафсилотларни кўрсатинг, 16-устунда тегишли суммани кўрсатинг.

10. Ўзбекистан Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқилган товарни кейинчалик қайта сотиш, тасарруф этиш ёки ундан фойдаланишдан келган тушумнинг бевосита ёки билвосита сотувчига тегиши керак бўлган исталган қисмининг қийматини қайтариш билан боғлиқ шартлар мавжудми? Ҳа Йўқ

Агар «Ҳа» бўлса, тафсилотларни кўрсатинг, 17-устунда тегишли суммани кўрсатинг.

11. Декларация имзолаган шахс лавозими:

Фамилияси, исми, шарифи :

Телефон:

12. Жой:

Сана:

ДИ Қ Қ А Т!

Декларант божхона қийматини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги ва ушбу шаклда кўрсатилган барча маълумотлар учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Декларант божхона расмийлаштируви жараёнида маълум қилинган қийматни тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни ўз вақтида божхона органига тақдим этиши шарт.

Декларант имзоси
ва муҳри

ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

	Қўшимча варақ №	БҚД-1 ШАКЛИ		
	БЮДнинг рўйхатга олиш рақами	Товар рақами	Товар рақами	Товар рақами
	Божхона қайдлари учун	Товар коди	Товар коди	Товар коди
Божхона учун нусха	Ҳисоб-китоб асоси «А»			
	13(а). Товарнинг шартномада белгиланган валютадаги қиймати (амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган қиймати)			
	Валюта коди Қайта ҳисоблаш курси			
	13(б). Олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун қилган харажатларини акс эттирувчи сотувчи-экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари.			
	Валюта коди Қайта ҳисоблаш курси			
	13(в). Олиб чиқиладиган айнан ёки ўхшаш товарларни кириш қилиш ва балансдан чиқариш тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари.			
	Валюта коди Қайта ҳисоблаш курси			
	«Б» «А» бўлимида ҳисобга олинмаган шартнома нархига қўшишлар			
	14. Сотувчининг харажатлари:			
	14(а) воситачилик ва брокерлик тўловлари;			
14(б) контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп марталаб ишлатиладиган таралар нархлари, агар уларга ТИФ ТНга мувофиқ баҳоланаётган товар билан бир бутун сифатида қаралса;				
14(в) жойлаш қиймати, шу жумладан жойлаш материаллари ва жойлаш ишлари билан боғлиқ харажатлар.				
15. Олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш ва/ёки экспортта сотиш учун сотиб олувчи бевосита ёки билвосита сотувчига бепул ёки пасайтирилган нарх бўйича кўрсатадиган хизматлар ва етказиб берадиган товарлар қийматининг тегишли қисми:				
15(а) хом ашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр фабрикатлар ва олиб чиқиладиган товарнинг таркибий қисми ҳисобланадиган бошқа бутловчи қисмлар;				
15(б) инструментлар, штамплар, шакллар ва олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган бошқа шу каби жиҳозлар;				
15(в) олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда сарфланган ёрдамчи материаллар;				
15(г) муҳандислик ишланмалари, тажриба-конструкторлик ишлари, дизайн бадиий жиҳозлаш, олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш учун бевосита зарур бўлган эскизлар ва чизмалар.				
16. Сотиб олувчи олиб чиқиладиган товарларни харид қилиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита амалга оширилиши керак бўладиган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар.				

17. Олиб чиқиладиган товарни кейинчалик бирон-бир тарзда қайта сотиш, тасарруф этиш ёки улардан фойдаланишдан олинган, товар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқилгандан кейин сотувчига бевосита ёки билвосита тегишли бўладиган тушумларнинг исталган қисми қиймати.

18. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойигача бўлган ташиш харажатлари:

18(а) транспортировка қилиш нархи;

18(б) юклаш, тушириш, қайта юклаш ва ортиш-тушириш харажатлари;

18(в) суғурталаш тўлови;

18(г) сертификатлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича хизматлар қиймати;

18(д) товарни сақлаш учун тўловлар;

18(е) божхона расмийлаштируви учун йиғимлар (товарлар реэкспорт қилинганда);

18(ж) товарнинг реэкспорт қилиниши сабабли қайтарилиши лозим бўлган тўловлар айирилган ҳолда божхона тўловлари;

18(з) бошқа харажатлар.

19. Сўмдаги жами «Б»

«В» «А» бўлимнинг 2-устунида кўрсатилган қийматдан (сўмда) айриладиган суммалар

20. ЎзР божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойидан мўлжал жойигача бўлган ташиш харажатлари

21. Товарлар реэкспорт қилинаётганлиги сабабли қайтарилиши лозим бўлган тўловлар.

22. Сўмдаги жами «В»

23. Кўрсатилган божхона қиймати:

а) сўмда

б) шартномада белгиланган валютада

24. Декларация имзолаган шахснинг лавозими:

Фамилияси, исми, шарифи :

Телефон:

Декларантнинг имзоси ва муҳри

ДИҚҚАТ!

Декларант божхона қийматини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги ва ушбу шаклда кўрсатилган барча маълумотлар учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Декларант божхона расмийлаштируви жараёнида маълум қилинган қийматни тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни ўз вақтида божхона органига тақдим этиши шарт.

Сана

Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномага 2-ИЛОВА

Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясининг БҚД-2 шакли

ТИПОГРАФИК РАҚАМ

ЎЗБЕКИСТОН-UZBEKISTAN

ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Божхона учун нусха	АСОСИЙ ВАРАҚ		БҚД-2 ШАКЛИ	
	1(а). Сотувчи	КТУТ / СТИР	БЮД рўйхатга олиш рақами	
1(б). Декларант	КТУТ / СТИР	Божхона қайдлари учун		
2. Сотиб олувчи		3. Етказиб бериш шарти		
		4(а). Товар олиб чиқишга асос бўлган ҳисоб-фактура ёки бошқа ҳужжатнинг рақами ва санаси		
		4(б). Шартнома рақами ва санаси (агар шартнома мавжуд бўлса)		
		5. БҚД-2га илова қилинган қўшимча варақлар сони		
Керакли жавоб Х белгиси билан белгиланади				

6. Декларантда мавжуд бўлган маълумотлар асосида товарнинг божхона қиймати нархланади:

